




# XASR



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси  
ИЖТИМОЙ-СИЙОСИЙ  
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган,  
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz

2011 йил 6 октябрь, пайшанба  
40 (412)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



«ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИ» фаолиятининг йўлга қўйилиши ислохотларнинг янги босқичида кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилади

03 ИСЛОХОТ



Жорий йилнинг январь-август ойлари давомида «Капиталбанк» томонидан хусусий секторга 65,7 млрд. сўмдан ортик кредит маблағи ажратилди

06 ИҚТИСОДИЁТ



Дунёда 1,3 миллиард киши ўта қашшоқ кун кечириётганини инобатга олсак, БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилги сессиясида қабул қилинган Декларацияси нечоғли муҳимлигига ишонч ҳосил қиламиз

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИДАН КИМ ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНМОҚДА?

БУНДАН УЧ ОЙ АВВАЛ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ XI СЕССИЯСИДА O'ZLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ РАҲБАРИ ҲАКИМ МАМЕДОВНИНГ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛИБ, СОҲАДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР БИЛАН БИРГА ҚАТОР КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАР ҲАМ АНИКЛАНГАНИ ТАЪКИДЛАНГАН ЭДИ

Хўш, 2011 йилнинг 24 июнида бўлиб ўтган ана шу сессия қарори қай даражада ижро этилмоқда?

— Маълумки, ҳар қандай масалани вилоят кенгаши сессиясига олиб чиқиш ва уни ҳал этиш бўйича қарорлар қабул қилиш муаммо бартараф этилди, дегани эмас. Энг муҳими, ана шу қарор ижроси таъминланишидир. Депутатлик назоратининг амалий самараси айни шу жараёнда намоён бўлади, — дейди халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Нусратилло Пардаев. — Бугун вилоятимизда ахборот-коммуникация соҳасида юз бераётган ижобий ўзгаришлар шундай фаолият натижасидир.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг янада такомиллашишига мустақкам замин яратди.

Таъкидлаганимиздек, XI сессияда O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари бир миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни атрофича таҳлил қилиб, қўлга киритилаётган ютуқлар баробарида тармок ривожига тўсиқ бўлаётган камчилик ва нуқсонларни ҳам тилга олгандилар.

2 >>>



## Интеллектуал мулк

ЭГАЛАРИ ҲУКУКИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДАЛАР

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ўзининг навбатдаги йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган «Интеллектуал мулк тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланганини таъкидламоқдалар.

— Президент қарорига кўра, шу пайтгача бир-биридан мустақил ҳолда фаолият юритиб келган Давлат патент

ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси Юртбошимизнинг 2011 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланганини таъкидламоқдалар.

— Президент қарорига кўра, шу пайтгача бир-биридан мустақил ҳолда фаолият юритиб келган Давлат патент

идораси ҳамда Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги негизда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилиши интеллектуал мулкни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиб берди, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов.

2 >>>

## Ёшлар иш билан таъминланмоқда

Юртимизда аҳолига сифатли савдо, тиббий, маданий, банк-молия, сугурта, ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш қўламини кенгайтириш бормоқда. Навоий шаҳрида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил шаҳарда йигирмага яқин янги маиший хизмат кўрсатиш объектлари, жумладан, сартаронхона, тикувчилик устахонаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, пойабзал таъмирлаш шохбачалари ишга туширилади. Натيجанда қўлаб йиғит-қизлар доимий иш билан таъминланади. — Юртимизда биз, ёшларнинг ўқимиз ва иш билан таъминланишимиз учун барча имтиёз ва имкониятлар яратилган, — дейди Навоий шаҳридаги Информатика ва электрон саннат касб-ҳунар коллежини битирган Азиза Шарипова. — Ана шундай имкониятлар самарасида шахримиздаги «Лочин» хусусий фирмасига ўз мутахассислигим бўйича ишга жойлашдим.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Навоий шаҳрида қарий етти юзта маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу субъектларда ишлаётганлар беш минг нафардан ортади. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

ЎЗА

## Фидойилик

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАМАНГАН ВА АНДИЖОН ВИЛОЯТЛАРИГА ТАШРИФИ ДАВОМИДА БИЛДИРИЛГАН ТАВСИЯЛАР МАМЛАКАТИМИЗ ПАХТА ХИРМОНИГА МУНОСИБ УЛУШ ҚўШАЁТГАН БАРЧА КИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИНИ ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ РУҲЛАНТИРДИ

Айниқса, Юртбошимизнинг «Кишлоқларимизда ҳам турмуш тарзи ва маданияти бекиёс даражада юксалмоқда. Халқимиз мана шундай ҳеч қандай кам бўлмаган шарт-шароитда яшашга ҳақлидир», деган сўзлари кейинги йилларда водийнинг ана шу икки вилоятида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига берилган файз-баракат киритаётган, дунёга кўз-кўз қилса арзигulik автомобиллар ишлаб чиқараётган, атласу адреслари билан жаҳонни лол қолдираётган юртдошларимиз учун яратилаётган шарт-шароитлар инсон омилига бўлган эътибор намунаси, албатта. Президентимизнинг Наманган туманидаги Зокиржон Фозиев хонадонидан билдирган фикрлари эса изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларимизнинг пировард мақсади, аввало, халқимиз фа-

ровонлигини янада юксалтиришга қаратилганини аниқлатади.

— Муҳтарам Юртбошимизнинг Шахрихон туманидаги «Обод диёр илҳами» фермер хўжалигида бўлиб, ютуқ ва муаммоларимиз ҳақида дилдан суҳбат курганидан бошимиз осмонга етди, — дейди Асака туманидаги «Асака жиноси» фермер хўжалиги раҳбари Содикжон Турдиев. — «Наманган-77» навидан биринчи теримдаёқ 35 центнердан ҳосил олиб, шартномавий-режани бажарганимиз, эндиги марра яна 10 центнер «оқ олтин» териб олиш эканини айтганимизда, Юртбошимиз фермер хўжалиги аъзоларининг иқтисодий манфаатдорлиги билан қизиқдилар. Мен 10 нафар сувчининг тўрттасида енгил автомашина борлиги, ҳар бир хонадонда соғин сигир, қўй-қўзи боқилаётганини фахрлиб гапириб бердим.

Юртбошимиз пахтадан 92 хил маҳсулот ишлаб чиқарилишини, бу соҳа иқтисодиётининг таянч нуқтаси

3 >>>

## Мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари

ШУ ЙИЛ 4 ОКТАБР КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА «ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТАНАСИДА» КИТОБИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Конференция ишида ижтимоий-гуманитар фанлар, таълим ва тарбия соҳасида фаолият кўрсатётган таниқли олимлар, педагоглар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг зиёлилар жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, халқимиз ўртасида ва халқро маданий доираларда бу асар катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилаётгани таъкидланди. Элюртимизнинг ана шу тарихан қиска даврда босиб ўтган гоят мураккаб, айни вақтда шарафли тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган, бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган ютуқ ва марраларимизга қандай асосда, қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини аниқлаш, уларнинг барчасини яхлит ҳолда, ички диалектик қонуниятлари, бор зиддият ва қарама-қаршиликлар билан тушуниб етишда бу китоб ишончли манба ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши аниқ мисоллар, назарий ва амалий хулосалар асосида кўрсатиб ўтилди.

Бўлиб ўтган қизгин фикр алмашувлар давомида ўзининг таркибий тузилиши, мавзу-мундарижаси, асосий гоёси, бошқа манбаларда деярли учрамайдиган тарихий ва таҳлилий материалларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турадиган бу китобга кирган, бугунги кунда биз учун ноёб манбага айланган ҳужжатлар ўз вақтида халқимизни истиклол йўлида, янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлида сафарбар этган бўлса, ҳозирги вақтда яна бир улғур мақсадга — озод ва эркин ҳаётимизни қадрлаш, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий тафаккуримизни бойитиш ва юксалтиришга хизмат қилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу фундаментал асар ўзининг чуқур маъно-мазмунли, юртимизда истиклолга эришиш, янги демократик жамият қуриш йўлидаги қўлаб саволларга аниқ жавоб бериши билан келажакка қаратилган қомусий асар экани қайд этилди.

Мустақиллигимиз тарихини ўрганиш ва яратиш борасида гоят муҳим ва қимматли манба бўлган ушбу китобни жамиятимиз ижтимоий тафаккурини юксалтириш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда теран тадқиқ этиш, илмий истеъмолга киритиш, энг асосийси, унда баён этилган гоё ва қарашларни 2010 йили Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш масаласи конференция дастурининг асосий мавзуларидан бири бўлди.

2 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

## ҚАРС ИККИ ҚўЛДАН ЧИҚАДИ

Депутатлик гуруҳлари томонидан муҳокама этилаётган масалаларнинг ҳар доим ҳам вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессиясига киритилмаётгани мазкур масалага халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши томонидан етарлича эътибор қаратилмаётганини кўрсатади. Айни пайтда маҳаллий кенгаш депутатларининг ўз ваколатларидан етарли даражада фойдаланмаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бироқ депутатлар кенгаш раиси саналган айрим ҳокимларнинг ўз ҳудудидagi воқеа-ҳодисаларга бефарқликлари бунда асосий роль ўйнаётганини таъкидламоқдалар.

05 >

**XASR**  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2012

ЙИЛ УЧУН  
ОБУНА  
БОШЛАНДИ

Мурожаат учун телефон:  
(8-371) 215-63-80,  
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 4 ОКТАБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қуйинлаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари ▼ 1686,74  
1 Англия фунт стерлинги ▲ 2750,97  
1 Дания кронаси ▼ 313,76  
1 БАА дирҳами ▲ 476,54

1 АҚШ доллари ▲ 1750,27  
1 Миср фунти ▲ 293,47  
1 Исландия кронаси ▼ 14,74  
1 Канада доллари ▼ 1668,04

1 Ҳитой юани ▲ 274,57  
1 Малайзия ринггити ▲ 545,60  
1 Польша злотийси ▼ 527,52  
1 СДР ▲ 2733,26

1 Туркия лираси ▼ 942,63  
1 Швейцария франки ▲ 1921,26  
1 ЕВРО ▼ 2369,07  
1 Жанубий Корея вони ▲ 14,82

1 Япония иенаси ▼ 227,37  
1 Россия рубли ▲ 54,51  
1 Украина гривнаси ▲ 219,53

# ПАРЛАМЕНТДА

## Интеллектуал мулк

ЭГАЛАРИ ХУКУКИНИ ЯНАДА МУСТАХКАМЛАШГА O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ АЛОХИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДАЛАР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

— Зеро, инновацион технологиялар, ихтиролар ва илмий-конструкторлик ишланмаларини ҳаётимизга жорий этиш, бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Фракция томонидан ушбу қонун лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки мулкчилик шакллари орасида интеллектуал мулкнинг ўрни беқиёсдир. Ривожланган демократик мамлакатлар аҳолиси таркибининг 60-70 фоизини ташкил қилувчи ўрта қатламни кичик бизнес субъектлари, тадбиркорлар ва фермерлар билан бир қаторда айнан интеллектуал мулк эгалари ташкил этаётганини инобатга олсак, аҳоли таркибида интеллектуал мулк эгаларини кўпайтириш нафақат партияимизнинг дастурий мақсадларига, балки бутун халқимиз манфаатларига хизмат қилишини яхши англаймиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг муваффақиятли бажарилиши ҳам иқтисодийта инновацион технологияларнинг кенг жорий этилиши билан боғлиқдир. Бу жараённи эса интеллектуал мулк намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Робохон Абдурашова. — Фикримизча, муҳокамага тақдим этилаётган қонун лойиҳаси ана шу юк-



сак мақсадга эришишимизни таъминловчи ҳуқуқий ҳужжатлардандир. Бу қонун лойиҳаси партияимиз илгари сураётган ғояларга ҳам тўла мос келади. Умуман олганда, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклини ҳимоя қилиш ва уни янада ривожлантириш билан боғлиқ қонун лойиҳаларини фракцияимиз доимо қўллаб-қувватлаб келган. Сабаби бу йўналишдаги қонунлар нафақат бугунги фаровон ҳаётимиз, балки эртанги ютуқларимизнинг ҳам гаровидир.

Фракция аъзолари, шунингдек, иккинчи ўқишда тақдим этилаётган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 7-моддасини кўриб чиқдилар. Бояси ав-

валги муҳокамада мазкур қонун лойиҳасининг бошқа моддалари маъқулланган бўлиб, ушбу модда эса такомиллаштириш учун қайтарилган. Хусусан, O'zLiDeP фракция аъзоларидан Фахриддин Комилов ва Нураддин Отажонов бу моддани амалдаги қонунлар билан бир хиллаштириш таклифини киритган. Қонун лойиҳасини муҳокамага тайёрлаган Ван, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси вакиллари мазкур таклиф инобатга олинганини маълум қилиб, бу билан бир-бирига зид нормалар юзага келишининг олди олинганини эътироф этишди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик ва Оила кодекслари ва

«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида», «Хўжалик юртимизда сиёсий-ижтимоий ислохотлар назариясининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари, мустақилликка эри-

«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида», «Хўжалик юртимизда сиёсий-ижтимоий ислохотлар назариясининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари, мустақилликка эри-

## Мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўзбекистоннинг истиклол арафасидаги чуқур инқироз ҳолати ва бу инқироздан чиқиш йўлидаги изчил ҳаракатлар, юртимизда сиёсий-ижтимоий ислохотлар назариясининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари, мустақилликка эри-

аҳамиятига бағишланган маърузалар ҳам конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шу ўринда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобининг иккита энг муҳим жиҳатига эътибор қаратиш жоиз.

Мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари

Китобнинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, у ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ноёб маълумот ва манбаларни тиклаб, истиқлол тарихимизни сохталаштиришга йўл қўймасдан, уни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни чуқур ўрганиб, англаб етишлари учун мустахкам замин яратади.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини чуқур илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасидаги илмий мезон ва ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантириш, асарнинг тўб моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар онгига етказиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини чуқур илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасидаги илмий мезон ва ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантириш, асарнинг тўб моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар онгига етказиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Конференция ишида «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини чуқур илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасидаги илмий мезон ва ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантириш, асарнинг тўб моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар онгига етказиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Анжумандир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

(ЎЗА)

электорат манфаати — ҳимояда!

## Депутатлик назорати институтидан ким қандай фойдаланмоқда?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI ASR»

Асосий эътибор амалдаги қонунлар ижроси, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг бу борадаги улуши, уларга яратиб берилаётган шарт-шароитларга қаратилган эди.

— Аввалига бу масала халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 32 нафар депутатимиз томонидан ўрганиб чиқилди, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Эркин Холматов. — Ўшанда ижобий ишлар билан бирга давлат бошқаруви органлари ва хўжалик юртимиз субъектлар фаолиятини кучайтириш, моддий ресурслар ҳаражати кескин қисқартириш, соҳада партия электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳамда шу орқали дастурий таъминот бозорини ривожлантириш масалаларида қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланган, депутатларимиз мазкур масалани вилоят кенгаши сессиясига олиб чиқишга қарор қилгандилар.

Сессия ишида вилоятда дастурий мақсулотлар ишлаб чиқарилмагани, фаолият юритаётган хўжалик юртимиз субъектларининг асосан маиший хизмат кўрсатиш соҳасида бандлиги, ҳудудда интернет тармоғининг етарли даражада омалашмагани билан изоҳланган эди.

— Сессия қароридан бел-

гиланган вазифалардан келиб чиқиб, энг аввало, интернетда вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтнинг замон талаблари даражасида ишлаши таъминланди, — дейди вилоят ҳокимлигининг Компьютерлаштириш маркази директори Толибжон Эргашев. — Сайтдаги маълумотлар ҳар куни янгилаб, қарор ва фармойишлар ўзбек ва рус тилларида эълон қилиб борилмоқда. Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб эса ушбу сайт орқали аҳолига ҳоким ва унинг ўринбосарларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконияти яратиб берилди. Жиззах шаҳри ва барча туманлар ҳокимликлари ички локал ва корпоратив тармоққа уланди. Вилоятдаги барча ташкилотлар ўртасида «E-Nijjat» электрон хужжат айланиш тизими ишга туширилди. 117 нафар маъмул шахс эса электрон рақамли имзо билан таъминланди. Бу эса маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятида шафқатли таъминлашга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, вилоят кенгаши сессиясида муҳокама қилинган масалага айна пайтда туманларда ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бугунгача Фориш, Жиззах, Фаллаорол ва Янгиобод туманлари ҳокимликларининг расмий веб-сайтлари ишга туширилган бўлса, эндиликда бу жараён Бахмал ва Мирзачўл туманларида давом эттирилмоқда.

Қувонарлиси, «UNICON.UZ» давлат илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан изчил ҳамкорлик ўрнатилиши нати-

жасида O'zLiDeP электорати бўлиши кичик бизнес субъектлари, яқна тартибдаги тадбиркорларга ҳам электрон рақамли имзо бериш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Режага кўра, бу ишлар октябрь ойининг охиригача кунлигида «старт» олади.

Шу ўринда Жиззах шаҳри ва барча туманларда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тез ва сифатли хизмат кўрсатишга «Ягона ойна марказлари»ни талаб даражасида ташкил этиш жадал олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Уларнинг бинолари таъмирланиб, керакли мебель ва техник ҳужжатлар билан таъминланмоқда. Мазкур марказлар фаолиятининг биринчи босқичида 10 турдаги хизмат кўрсатиш бўли, аҳолининг ортқича вақт сарфлашига тўла барҳам берилади.

Изчил йўлга қўйилаётган депутатлик назорати фаолияти Самарқанд вилоятида ҳам реал натижалар бера бошлади. Хусусан, халқ депутатлари Каттакўрғон шаҳар кенгашининг 2011 йил 9 апрель куни бўлиб ўтган сессиясига O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан шаҳарда электр таъминотида вужудга келаётган айрим муаммоларни ҳал этиш масаласи киритилган эди. Сессияда асосий эътибор тадбиркорларнинг узлуксиз электр қувватисиз самарадорликка эриша олмаслиги, бундан ташқари, катта маблағ эвазига хориждан келтирилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар ишдан

чиқишига қаратилган эди.

Халқ депутатлари Каттакўрғон шаҳар кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси раиси, O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Сиддик Гадовнинг маълум қилишича, ушбу масала сессияда муҳокама қилинган, қатор муаммолар ҳал этилди.

Жумладан, шу кунгача Каттакўрғон шаҳар Электр тармоқлари корхонаси томонидан 1720 метрлик ҳаво линиялари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. «Ёр мачит» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда 2 та юқори қучлали янги трансформатор ўрнатилди. Мутахассислар тилида «Театр-1» ва «Театр-2» деб аталувчи трансформаторлар эса янгиланди. Хозирги кунда шаҳардаги «Мели Раззоқов» ва «Кориравот» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидан ўтган 2,6 километр масофадаги ҳаво линияларида таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Аниқ режалар асосида амалга оширилаётган бу ишлардан нафақат O'zLiDeP электорати, балки бутун шаҳар аҳли ҳам мамнун бўлмоқда. Бу биринчидан, O'zLiDePнинг ўз Сайловолди дастурига қатъий амал қилаётганини кўрсатса, иккинчидан, кенг омманинг партияга бўлган ишончини мустахкамламоқда. Энг асосийси, бундай фаолият жойларда депутатлик назорати институтининг амалдаги самарасини таъминлашга хизмат қилмоқда.

кимё саноати

## Модернизация самараси

СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ 2011 ЙИЛДА 389,64 МИНГ ТОННА АЗОТЛИ, 57,32 МИНГ ТОННА ФОСФОРЛИ ВА 84 МИНГ ТОННА КАЛИЙЛИ ЎҒИТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларининг бир меъёрга ривожланиши ва қутилган даражада ҳосил бериши уларнинг ўз вақтида озиклантирилишига боғлиқдир.

Масалан, азотли минераллар экинлар ўсишига таъсир кўрсатса, фосфорли ва калийли ўғитлар ҳосилдорликни оширади. Мутахассислар уларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётгани мўл-кўл ва сифатли қишлоқ хўжалик мақсулотлари етиштиришда жуда кўл келаётганини алоҳида таъкидламоқдалар.

«Фаргона азот», «Навоийазот», «Максам-Чирчиқ», «Аммофос-Максам», «Кўкон суперфосфат заводи» ва «Самарқандкимё» ОАЖларида, Деҳқонобод калий ўғитлар заводида қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи тўлиқ қондирилишидан ташқари бу мақсулотлар экспорт қилинмоқда.

Жорий йилда 957,76 минг тонна азотли, 159,33 минг тонна фосфорли ва 102 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шу ўринда 2007-2011 йилларда кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури доирасида улкан ишлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Айниқса, Чирчиқ ва Олмалик шаҳарларидаги тармоқ корхоналарига хорижий инвестициялар киритилиши натижасида ишлаб чиқариш қувватлари сезиларли даражада оширилди. Айни пайтда эса асосий эътибор экологик талабларга тўлиқ жавоб берувчи технологияларни жорий этиш, мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланиш орқали мақсулот ҳажмини оширишга қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган минерал ўғитлар сифати ҳамда миқдорини ошириш, эҳтиёждан ташқари қисмини экспорт қилиш имкониятларини ҳам кенгайтиради.

Маълумки, яқин-яқингача калийли ўғитлар Россиядан импорт қилинар эди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида 2009 йилда Қашқадарё вилояти-

нинг Деҳқонобод туманида Калийли ўғитлар заводи ишга тушган, ички бозорни хлорли калий билан етарли даражада таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Айни пайтда бу мақсулот экспорт ҳам қилинмоқда.

Соҳа мутахассислари айни пайтда ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитларнинг деярли 40 фоизи чет давлатларга сотилаётганини таъкидлашди. Хусусан, жорий йилда 389,64 минг тонна азотли, 57,32 минг тонна фосфорли ва 84 минг тонна калийли ўғит экспорт қилиниши режалаштирилган.

— Минерал ўғитлар етказиб бериш фермер хўжаликлари билан бевосита шартнома тузиш орқали амалга оширилади. Тижорат кредитлари олганлар эса бу мақсулотни биржа савдолари орқали сотилади, — дейди «Ўзкимёсаноат» ДАКраиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Хўжамабергэн Бекбергенов. — Бу муҳим иш билан компаниямизнинг барча ҳудудий акциядорлик жамиятлари ҳамда уларнинг филиаллари шуғулланмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Ўзкимёсаноат» ДАК Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида минерал ўғитларни бевосита фермер хўжаликлари етказиб бериши ҳам ўз зиммасига олган. Бундан ташқари, «Қишлоқхўжалиқимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари экинларни дефолиация қилиш, ўғитларни сепиш-пуршак каби агрокимёвий хизматларни ҳам бажараяпти.

Айни пайтда «Ўзкимёсаноат» ДАК тизимида фермер хўжаликларига бошқоқли дон экиш учун минерал ўғитлар ажратиш жараёни кетаяпти. Бу давр фермерлар учун гоёт маъмулотли палладир. Чунки ҳосилнинг бўлиқлиги, экиннинг ривожланиши тўғридан-тўғри минерал ўғитларнинг меъёрида ва ўз вақтида берилиши билан боғлиқдир. Компания тақдим этган маълумотга кўра, ҳозиргача қишлоқ мулкдорларига умумий қиймати 9165,5 миллион сўмлик 1404 тонна азот, 4948 тонна фосфорли ва 54,9 тонна калийли ўғит етказиб берилди.

## Фидойилик

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

### Ўз мухбиримиз

Ҳақиқатан ҳам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бугунги фермер замон билан ҳамнафас бўлиши, давр талабларини тараққий қилиши, балки мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳам, сиёсатда ҳам, ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳам ҳал қилувчи кучга айланиши лозим.

Шу ўринда Президентимизнинг Андижон вилоятининг бир гуруҳ фер-

нишига ва унинг тобора мустақам бўлиб боришига эришишни ўзининг асосий вазифаларидан, деб билади.

Зеро, бугун юртимизда ана шундай талаблар асосида иш юритаётган замонавий фермерлар кўпчилики ташкил этаётди. Масалан, Кўрғонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги раҳбари, O'zLiDeP фаоли Алижон Аҳмедов ана шундай юртдошларимиздан биридир. Айни пайтда ғаллачилик, пахтачилик ва чорвачиликка ихтисослашган мазкур хўжаликда 232 нафар киши меҳнат қилмоқда. Умумий ер майдони 238 гектар. Шунинг 73,5 гектарига пахта, 65 гектарига буғдой экиляпти. Бу йил



— Юртбошимиз баҳорда Сурхондарёда бўлағларида ҳам фермерлар билан дилдан суҳбатлашиб, хўжалиқлар самарадорлиги, экин майдонлари ҳосилдорлигини ошириш бўйича қимматли маслаҳат ва тавсиялар беришди, — дейди Термиз туманидаги пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган «Ат-Термизий намуна» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Чоршанбиев.

O'zLiDeP фаоллари давлатимиз раҳбарининг туманлар миқёсида «Фермерлар кенгаши» фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги ташаббуси мамлакатимизда ислохотлар ривожланишининг янги босқичидаги энг муҳим вазифа — кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилишини таъкидламоқдалар. Бошқача айтганда, туманларда бундай ташкилот фаолиятининг йўлга қўйилиши кишлоқ мулкдорларининг ўз фаолиятини янада уюшган ҳолда амалга оширишларига қўшимча имконият яратади.

мерлари билан учрашувида фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш мақсадида туманларда «Фермерлар кенгаши»ни тузиш таклифини илгари сурганларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур кенгаш фермерлик ҳаракатини янада тараққий эттириши, юқори самарадорликка эришяётган фермер хўжалиқлари иш тажрибасини омалаштириш, фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар манфаатини ифодалаш, илгор илм-фан ютуқлари ҳамда инновацион гоюларни, био ва нано-технологиялар билан бирга замонавий агротехник тадбирларни амалиётга кенг жалб этишга, соҳани замон талаблари асосида янада ривожлантиришга хизмат қилади.

O'zLiDeP фаоллари ҳам давлатимиз раҳбарининг туманлар миқёсида «Фермерлар кенгаши» фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги мазкур ташаббуси мамлакатимизда ислохотлар ривожланишининг янги босқичидаги энг муҳим вазифа саналаётган — кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилишини таъкидламоқдалар. Бошқача айтганда, туманларда бундай ташкилот фаолиятининг йўлга қўйилиши кишлоқ мулкдорларининг ўз фаолиятини янада уюшган ҳолда амалга оширишларига қўшимча имконият яратади.

Агар мазкур кенгашларга фермер хўжалиги раҳбарлари билан бир қаторда кўп йиллик малака ва бой тажрибага эга бўлган кишлоқ хўжалиги мутахассислари аъзо бўлсалар, фермерларга хизмат кўрсатиш тизими янада ривожланган бўлади.

O'zLiDeP ана шу жараёнининг фаол иштирокчиси бўлиши ҳамда ўз электорати ҳисобланган фермерлар фаолиятининг изчил ривожланишини таъминлаш орқали жаҳатимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклла-

ғалла майдонларининг ҳар гектаридан 57 центнердан ҳосил олинди. Шартнома-режага асосан 400 тонна ғалла сотилиб, қолган 157 тоннаси ишчи-хизматчиларга бўлиб берилди.

Хўжалик биринчи теримнинг ўзидек пахтадан 200 тоннадан зиёд хирмон уйди.

— Деҳқончиликдаги тажрибам ва кейинги ўн йиллик кузатишларим асосида шундай хулосага келдимки, пахта етиштиришда аънавий услубларга «ягона ҳақиқат» дея ёпишиб олиш шарт эмас, — дейди Алижон ака. — Мутахассислигим инженер-механик эканлиги боис кўпдан буён ғўзага кам сув, ўғит ва меҳнат сарфлаб, кўп ҳосил олиш устида бош қотирадими. Ниҳоят, қовун-тарвуз экишда қўлланилаётган усулни шу ерда қўллашга қарор қилдим. Бунинг учун тайёргарликни қўздан бошладик. Одатга кўра, да-

лар самарадорлиги, экин майдонлари ҳосилдорлигини ошириш бўйича қимматли маслаҳат ва тавсиялар бергандилар, — дейди Термиз туманидаги пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган «Ат-Термизий намуна» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Чоршанбиев. — Ушунда Президентимизнинг хўжалигимиз далаларини кўздан кечириб, ғалладан мўл ҳосил тўплаш, ғўза ривожини масалалари, мавсумда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим агротехник тадбирлар юзасидан берган маслаҳатларига амал қилганимиз жуда катта самара берди. 29 гектар ерга «Ҳамкор элита» навли чигит экиб, қўтилганидан зиёда ҳосил тўпландик. Айрим ғўзалар ҳатто 100 тадан кўсак боғлади. Мавсум якунида мўлжалдаги 33 ўрнига 40 центнерлик маррани кўзлаб турибмиз.

«Ат-Термизий намуна» фермер хўжалиги аъзолари айни пайтда нафақат ғаллачилик ва пахтачиликда ҳам салмоқли ютуқларга эришяпти, балки яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, тадбиркорликда ҳам кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар. Масалан, 50 сотих ерда тўртта иссиқхона қурилган бўлиб, 10 дан зиёд киши кишлоқда ёз неъматлари етиштиряпти. Фақат шунинг ўзидан бултур 13 миллион сўм фойда кўрилди. Ёки бу ер-

даги мўъжазгина тикувчилик цехини олайлик. Бу ерда меҳнат қилаётган тўрт нафар чевар кишлоқдаги дугоналарига шахарлардагидан қолишмайдиган даражада хизмат кўрсатапти.

Ҳақиқатан ҳам, Юртбошимизнинг Наманган ва андижонлик фермерлар билан учрашувлари бошқа вилоятлардаги фермерларнинг ҳам диққат марказида бўлди. Бир сўз билан айтганда, ўтган 20 йил мобайнида нафақат Андижон, Наманган ва Сурхондарёда, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бутунлай янгиланиб, ўзгача мазмун ва моҳият касб этди. Ернинг ҳақиқий эгаларига топширилгани эса она-замин кадрини янада оширди.

Юқорида номлари тилган олинган фермер хўжалиқлари гарчи юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган бўлса-да, уларни боғлаб турувчи ягона жиҳат бор: бу, аввало, меҳнатга бўлган муносабат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мамлакат тараққиётига ҳисса қўйиш интилишидир. Бундай инсонлар эса ҳеч қачон ўз ютуқларидан қаноат ҳосил қилмайдилар. Ҳамиша янгиликка интилиб яшовчи ана шундай юртдошларимиз бор экан, мамлакатимиз йил сайин юксалиб бораверади.

### Эшитдингизми?



### «AFROSIYOB» ДОИМИЙ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Ўзтемирйўл» ОАЖ юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поезди учун темир йўл чипталари сотуви бошланганини маълум қилди. ДАК ахборот хизматида хабар қилинишича, янги поездининг доимий қатнови 8 октябрдан йўлга қўйилиб, ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари амалга оширилади. Жадвалга мувофиқ, Тошкентдан соат 6:55 да жунаган поезд соат 9:25 да Самарқандга етиб боради. 16:55 да пойтахтга йўл олиб, 2,5 соатда «Шимолий вокзал»да бўлади. Чипта нархлари VIP класс вагонлари учун 88 000, биринчи ва иккинчи классларга тегишли равишда 63 700 ва 45 700 сўм тарзида белгиланган.

### Янгилик

### 45 МЕТРЛИК НАРВОН ТОШКЕНТГА БЕРИЛАДИ

Юртимиз ўт ўчирувчилари нарқи янги техника — 45 метрлик юк кўтаргич билан таъминланган махсус автомобиль билан бойиндиган бўлди. Маълумотларга кўра, юк кўтариш мосламаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Италиянинг STE компанияси маҳсулоти — В-Fire 450 русумли ўт ўчириш машинаси Тошкент шаҳридаги бўлимлардан бирига берилди. Компания расмий сайтыда хабар қилинишича, 450 килограммгача бўлган юкни, яъни тўрт нафар одам ҳамда керакли асбоб-ускуналарни кўп қаватли бинолар томига чиқара оладиган бу юк кўтаргич конструкцияси ёнгинадан қўтарилганларни пастга қийинчиликсиз олиб тушади. Улкан нарвон шунингдек, бошқа жисмлар билан тўқнашиб кетиш ҳолатини олдини олувчи ультратовушли ускуналар билан ҳам жиҳозланган.

# ФЕРМЕРЛИК — ҲАРАКАТМИ — КИШЛОҚДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

## Фарҳод Эшқобилов завод қурмоқчи

КИЁМШАЙХ КИШЛОҒИ ҚАШҚАДАРЁ КИРҒОФИДА, ЧИРОҚЧИ, ШАҲРИСАБЗ ВА КИТОБ ТУМАНЛАРИГА ТУТАШ ҲУДУДА ЖОЙЛАШГАН

Абулфайз САЙИДАСКАРОВ, «XXI ASR»

Кишлоққа кириб бораркансиз, ўнгу сўлингизда пахталари оппоқ далаларга кўзингиз тушади. Улар Шаҳрисабз туманидаги «Шаҳзодабону Фарҳод қизи» фермер хўжалигига қарашли.

— Хўжаликка қизининг номини қўйган, — изоҳ беради ҳамроҳимиз.

Дала шийпониди ўрта бўйли, миқтидан келган бир киши қозон бошидаги ошпазга нималарнидир ўқтиради. Бизни қўриб, ҳузуримизга пешвоз чиқади.

— Хўжалик раҳбари Фарҳод Эшқобилов шу киши бўлади...

— Хўжалигимиз 2004 йилда ташкил этилган. Ишни 16 гектар ерда бошлаганимиз, — дейди фермер биз билан суҳбатда. — Оптималлаштириш жараёнидан кейин экин майдонимиз 78,4 гектарга етди. 37 гектариди пахта, қолган қисмида ғалла ва сабзавот етиштирамиз.

— Пахтадан кўнглингиз тўқми?

— Далаларимиз банитети 50 баллгача бўлган ерлар сирасига қиради. Улардан катта ҳосил олиш осон эмас. Айниқса, сув танқис келганда. Шундай бўлса-да, меҳнатимиз зое кетмади. Ўртача 28 центнерни мўлжаллаб турибман. Ўтган йили «Бухоро» навини эккандик. Унда чигит салмоғи кўп бўлиб, яхшигина мой ҳам чиқади. Бу йилги шароитдан келиб чиқиб, «Наманган-77» навини экдик. Унинг толаси фойз ҳисобида юқори, вазни ҳам оғирроқ келади.

— Сув кам бўлганидан қийналмадингизми?

— Боридан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Техникаларимиз етарли экани қўл келди. Сув берилганидан кейин ғўза қатор оралиғида вақтида ишлов бериб, намликни кўпроқ ушлаб қолишга эришдик. Барака топкур сувчиларимиз асосан кечалари сув ҳайдашди. Ўз вақтида, етарлича берилган минерал ўғитлар ҳам мушқуллимизни анча осонлаштирди.

Фермер ҳамроҳлигида дала айландик. Эгатта тушиб олиб, чаққон ҳаракат қилаётган теримчилар ҳаракатини кузатамиз.

— Хўжалигимизда 22 нафар ишчи доимий асосда меҳнат қилади, — дейди Фарҳод Эшқобилов. — Мавсумда хашарчилар ёрдамидан ҳам фойдаланамиз. Кишлоқда қўл қучи етарли. Яхши шароит яратиб, вақтида ҳақи тўланса, бас. Ҳозир килограммига 150 сўмдан тўлаяпмиз. Баъзи теримчилар кунига 120-150 килограммга етказишяпти.

— Режага яқинлашиб қолгандирсиз, — сўраймиз Фарҳод акадан.

— Оз қолди. Шартномага кўра, 103,5 тоннадан зиёд пахта топширишимиз керак. Ҳозиргача 90 тоннадан ошиб кетди. Барчаси биринчи навга қабул қилинди. Дастлаб кунига 10-12 тоннадан ҳам топширмадик. Бу ёғи оз қолди. Туманда биринчилардан бўлиб режани бажариш имкониятимиз бор.

Тушлик вақти бўлган чамаси, теримчилар шийпонга қараб юрдилар. Фермер эса бизни пайкал бошида турган «Матиз» томон бошлади. Машинани ўт олдираётганида калитга осилган қандайдир бино сурати ва хитой ёзувлари туширилган чиройли шиша лавҳачага кўзим тушди.

— Хитой сафаридан эсдалик, — деб қўйди фермер, фикримизни уқандек. — Қашқадарёлик бир гуруҳ ишбилармон ва фермерлар делегацияси сафида 2009 йили Урумчида бўлиб, кишлоқ хўжалигига оид янги технологиялар бўйича тажриба алмашиб қайтгандик. Ташкил этилган халқро кўргазмада иштирок этиб, ариқ-зовур қазийдиган экскаваторлар ҳамда мевани қайта ишловчи линияларга қизиқиб қолдим. Ҳозир кишлоғимизда мева шарбати ва чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш лойиҳаси билан шуғулланыяпман. Насиб этса, кичик бир завод очмоқчиман. Дарвоқе, яқинда блок гишт ишлаб чиқарадиган мини цех очдик.

Суҳбат давомида фермер келажак режалари, Юртбошимизнинг яқинда эълон қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, умуман, мамлакатимизда фермер ва тадбиркорларга яратилаётган имтиёз ва қулайликлар ҳақида тўлқинланиб гапирди.

### «СОКТАРИ»ДА ЯНА 10 ТА ЯНГИ УЙ

2010 йилда Ғиждувон туманида 65 та замонавий уй қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда 100 дан ортқ оилада ҳовли тўйларини нишонлашга тайёргарлик кўрилмақда.

Тумандаги «Соктари» кишлоқ фуқаролар йиғинида эса намунавий лойиҳа асосидаги 10 та уй калитлари эгаларига топширилди. Шунингдек, «Говшун» ҚФЙда ҳам барча қулайликларга эга бўлган 18 та янги уй ўз эгаларини кутмоқда.

Таъкидлаш жоизки, иккала кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларидаги кўркам уй-жойларни ўз вақтида қуриб, фойдаланишга топширишда «Соктари мукаммал қурилиш» ҳамда «Говшун қурилиш бунёдкори» ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларининг ҳиссаси салмоқли бўлди.

# МУНОСАБАТ

web sayti: www.21asr.uz

## Сертификат куруқ қоғоз эмас. Аммо...

АЙНИ ПАЙТДА ЯНГИ АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ, УЛАРИНИНГ ЧУҚУР БИЛИМ ОЛИШИ ВА ЎЗ САЛОҲИЯТЛАРИНИ ТЎЛА РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛМОҚДА

Шухрат РАҲИМОВ,  
«XXI ASR»

О'zLiDeP ҳам ўз фаолиятининг дастлабки даврлариданоқ ана шу жараёнда фаол иштирок этиш мақсадида бир қатор тизимли ва мақсадли йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. 2005 йилдан бери ўтказилаётган «Ишбилармон ўқувчи» кўриктанлови ана шундай лойиҳалардан бири бўлиб, 2011 йилдан бошлаб мазкур тадбирга шахар ва туманлардаги ёшлар ҳам жалб этилди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланаётган кунларда Наманган шаҳрида ўшбу танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорликни аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, улар онгига ёшлик давридан тадбиркорлик маданиятини синдириш яхши самара беради.



Бундай мулоҳазалар айни пайтда О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши мутасаддиларининг жуда катта ниятлар билан амалга оширилган, мамлакатимизнинг барча шахар ва туманларида реал натижалар берган лойиҳа билан боғлиқ ташкилий масалаларни охирига етказмаганлигини кўрсатмоқда.

Мазкур тамойилга таяниб иш олиб бораётган О'zLiDeP бу лойиҳани ана шу мақсадда ташкил этди.

«Ишбилармон ўқувчи» танловининг шахар, туман ва вилоят босқичларида 900 дан ортиқ касб-хунар коллежларининг 5 мингдан зиёд талабалари иштирок этгани унинг қамрови йилдан-йилга кенгайиб, ёшлар учун том манадаги имкониятлар синови майдонига айланаётганини кўрсатади.

Танловда ёшлардаги билимдонлик ва зукколик ҳайрат аъзоларини ҳам қайратда қолдирганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Бухородаги 4-академик лицей ўқувчиси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибдори, таъкидлаш буючи нафузали спорт мусобақалари ғолиби Махбуба Мухаммадованинг истеъдоди, Учқўрғон педагогика коллежи талабаси Мадина Дехонованинг чорвачиликни ривожлантириш ҳақидаги, қашқадарёлик Фаёза Абдуллаеванинг унутилаётган миллий ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш мақсадида қилинган ишлаб чиқариш бўйича изланишлари ёки навоийлик Мағфират Тўрақулованинг XVII-XVIII асрда қўлланган каштачиликни тиклаш йўлидаги фидойилиги, Охангарон санат касб-хунар коллежи талабаси Хуршида Товбоеванинг қурилишда цемент тайёрлашни қулай усулни ихтиро қилгани, тошкентлик Умидахон Хусанованинг эса хотин-қизлар либослари учун тайёрлаган ўзига хос эскизларини баҳолаш ҳайрат аъзолари учун қийин кечди.

Ниҳоят, 1 ва 2-ўринларни эгаллаган 28 нафар иқтидорли ёшлар янги ўқув йилидан бошлаб О'zLiDeP стипендиясини олиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Бундай тадбирлар орасида «Ёшлар қаноти» ва «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамкорлигида ўтказилаётган «Диплом билан — бизнесга» ўқув-семинарлари муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Семинарлардан кўзда тутилган асосий мақсад битирувчи талабаларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш ҳамда уларда тадбиркорликка бўлган қизиқишни янада кучайтириш, интеллектуал салоҳиятларини тўлиқ намоён этишлари, ўз тадбиркорлик фаолиятларини тўғри йўлга қўйиш орқали жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашишдан иборатдир.

Мазкур лойиҳалар доирасида ўқув юрти битирувчилари амалий-иқтисодий билимлар ҳамда О'zLiDeP «Ёшлар қаноти»нинг тегишли шартномаси доирасида «Микрокредитбанк»дан имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесларини бошлаш имкониятига ҳам эга бўлмоқдалар.

Шу ўринда О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгашининг «Ёшлар қаноти» бу борада бошқа ҳудудлардаги партиядошларига ўрнатилган таъкидлаш мумкин. Айни пайтда кенгаш ўз аъзолари билан бирлаштирилган бўлиб, уларнинг 4038 нафари 18-34 ёшдаги йилгит-қизлардир. Ёшларнинг 900 нафари тадбиркорлик билан шуғулланаётгани эса «Ёшлар қаноти» саъй-ҳаракатлари реал натижалар бераётганидан далолатдир.

«Ёшлар қаноти» бундай ёшлар сафини янада кенгайтириш учун турли йўналишдаги партиявий акциялар, семинар-тренинглари орқали ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилишида ҳақиқий воситачига айланыпти.

Айниқса, «Диплом билан — бизнесга» мавзусидаги туркум ўқув-семинарлари аксарият ёшлар ҳаётида туб бурилиш ясай олди, десак

муболага бўлмайди.

— Мазкур ўқув-семинарларида қатнашиб, яхши натижаларга эришаётган ёшлар вилоятимизда талайгина, — дейди О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Жасурбек Болтаев. — Уларнинг бизнес-режалари мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институти 4-босқич талабалари Хумора Курбонова, Сухроб Нейматуллаев, Элбек Тураев, Шоҳиста Зоирова, Феруз Хайруллаев, Қодир Тоғаев, Мухаммад Элмуродов, Бухоро давлат университетининг 4-босқич талабаларидан Гулноза Қиямова, Зарнигор Тошева, Шермурод Бекмуродов сингари бир қатор ёш тадбиркорлар шу йилнинг 26-30 апрель кунлари ташкил этилган «Диплом билан — бизнесга» тадбирида ўз бизнес-режаларининг тақдимотини ўтказдилар. Улар эндиликда тикувчилик, сут маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш, полиграфия ва маркетинг хизматларини кўрсатиш ва бошқа бир қатор соҳаларда фаолият олиб бораётган бўлиши. Таъкидлаш ўринлики, бундай ўқув-семинарлар якунида иштирокчиларга партия вилоят кенгаши ва «Микрокредитбанк» ОАТБ вилоят филиалининг махсус сертификатлари топширилмоқда.

Шу ўринда сертификат олган ёшларнинг қандай ишларга қўл ураётганини ниҳоятда муҳимлигини таъкидлаш жоиз.

— Очиги, сертификат олганда унга бир «Фахрий ёрлик» сифатида қараганда, — дейди Бухоро давлат университетини битирувчи

Зарнигор Тошева. — Аммо банкка мурожаат этганидан кейин «Микрокредитбанк» лойиҳам учун 13 миллион сўм кредит ажратди. Шунинг ҳисобига Вобкент туманида қандолатчилик цехи очдим. Айни кунда бу ерда 15 киши меҳнат қилаёпти.

«Ёшлар қаноти»нинг ишбилармон, хунарманд ва бошқа касб вакиллари иштирокида ўтказилган кўриктанловлари чоғида илгор ёшлар фаолиятини, уларнинг кундалик меҳнат ютуқларини кенг омалаштириш ва тарғиб этишга катта аҳамият берилганлиги бизга жуда маъқул, — дейди Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институти битирувчиси Хумора Курбонова. — Бу, ўз навбатида, ёшларни ўзлари танлаган соҳада фаол иш олиб боришга, ўқиш ва жамоат ишларида улкан ютуқларга эришишга ундайди. Хусусан, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси боис нафақат мен, балки Жондор туманида яшовчи яна 10 нафар киши иш билан банд бўлди.

«Микрокредитбанк» ажратган 10 миллион сўмни тикувчилик цехи очмишга сарфладим. Бундай тадбирлар нафақат ёшларга оид, балки бошқа кўплаб ижтимоий масалаларни ҳал этишда ҳам қўл келади, деб ўйлайман.

Кўриниб турибдики, «Ёшлар қаноти»нинг эзгу ниятлар билан қўл ураётган лойиҳалари бугун ўзининг реал натижаларини бераёпти. Аммо айрим ҳудудларимизда ана шу лойиҳаларнинг якуний натижалари эътибордан четда қолаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Хусусан, О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши мутасаддиларининг эътиборсизлиги оқибатида «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида фаол иштирок этиб, кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлган айрим ёшлар кредит ололмаётганларини таъкидламоқдалар.

Бугун вилоятдаги 8012 нафар О'zLiDeP аъзоларининг 4596 нафари айнан ёшлардир. Шу боис вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан ёшлар бандлигини таъминлаш, айниқса, олий ва ўрта махсус касб-хунар тизими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Бунда ёшлар ўртасида кенг омалашган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

— Бундай тадбирлар ёшларнинг нафақат иқтисодий билимларини ошириш,

балки ўз бизнесларини бошлашлари учун ҳам қулай имконият яратаяпти, — дейди О'zLiDeP вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Жаҳонгир Бобобеков.

Аммо «Ёшлар қаноти» томонидан ўтказилаётган тадбирларда «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат олган айрим ёшлар кредит олишда қийинчиликларга дуч келаяётганларини ҳам таъкидламоқдалар-ки, бундан, албатта, партия фаоллари жиддий ҳулосалар чиқаришлари лозим бўлади.

Бундай мулоҳазалар айни пайтда О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши мутасаддиларининг жуда катта ниятлар билан амалга оширилган ва мамлакатимизнинг барча шахар ва туманларида реал натижалар берган лойиҳа билан боғлиқ ташкилий масалаларни охирига етказмаганлигини кўрсатмоқда. Зеро, жойлардан олинаётган маълумотларда О'zLiDeP ва тижорат банклари ҳамкорлигида амалга оширилган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўз ишини йўлга қўйиш ниятидаги юзлаб ёшлар учун бирламчи туртки вазифини бажариб, «Ёшлар қаноти»нинг амалий ишларидан бири сифатида ҳам тилга олинмоқда. Ўйлаймизки, Жиззахда ҳам юқоридагидек ҳолатларнинг олди олиниб, кўрик-танлов лойиҳасига соя ташлаётган айрим муаммолар бартараф этилади.

Семинар-тренинг ▾

## ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ХОЛИСЛИК ТИМСОЛИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

БУХОРОДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ХАМДА УНИНГ ВИЛОЯТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ХАМКОРЛИГИДА «ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУКАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАКАМЛИК СУДЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ

Асхор ИСТАМОВ,  
«XXI ASR»

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуни асосида жойларда фаолият олиб бораётган ҳакамлик судлари ҳам тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларини муҳофаза қилишда фаол иштирок этаётгани, жумладан, Бухоро вилояти шахар ва туманларида улар хизматидан аҳолининг кенг қатлами фойдаланаётгани алоҳида таъкидланди.

— Ҳакамлик судининг нодавлат суд сифатидаги асосий вазифаси — фуқаролар, хусусан, тадбиркорларга тез ва малакали хизмат кўрсатиш, улар ҳуқуқини тиклашдан иборатдир, — деди семинар-тренингда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси раиси Илҳом Долимов. — Даъволашаётган

томонлар ўртасида соғлом иқтисодий-молиявий муносабатларнинг сақланиб қолишига эришиш ҳам тизимимизнинг ўзига хос томонларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга мазкур судга мурожаат этган субъектлар вақт ва маблағларини тежаб қоладилар. Энг асосийси, низолашувга оид барча маълумотлар сир тутилади.

Семинар-тренингда сўзга чиққан ҳуқуқшунос ва иқтисодчилар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳакамлик судлари тадбиркор ва фермерларнинг энг яқин ҳимоячиларига айланишлари, ўз ваколат ва имкониятларидан янада кенг фойдаланса, ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ҳамда суд тизимининг бошқа субъектлари билан ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда ҳакамлик судлари фаолиятидаги айрим камчиликлар ва уларни бартараф этиш масалалари ҳам атрофлича муҳофаза қилинди.



**СУРХОНДАРЁ.** О'zLiDeP вилоят кенгаши ҳузурдаги Сиёсий таълим марказида Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқадиган партиявий вазифалар муҳофаза қилинди. Тадбирда Концепция жамиятимизнинг энг устувор йўналишларини ўзида муҳассас этган тарихий ҳужжат эканини, ундаги тамойилларни ўрганиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Партия фаоллари партия электорати бўлган тадбиркорларни янгича фикрлашга ундаш, уларнинг сиёсий билимларини янада юксалтириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ва амалий ишларни кучайтириш долзарб аҳамият касб этаётгани қайд этилди. Шунингдек, давра сўхбати иштирокчиларига давлатимиз раҳбарининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

**НАВОЙЙ.** Вилоятда О'zLiDeP депутатлик гуруҳларининг ҳисоботларини эшитиш илчил йўлга қўйилмоқда. Хусусан, Кармана туманида ўтказилган йиғилишда депутатлик гуруҳи раҳбари Б.Фармонов тумандаги ижтимоий-иқтисодий аҳоли, партиянинг ўрни ва мавқеи, тарғибот-ташвиқот ишларининг бориши, депутатлик сўровини такомиллаштириш тўғрисидаги ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Олий Махлус Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Ф.Солiev эса депутатлик гуруҳлари ишини янада такомиллаштиришда янгича тажриба ва амалиётларни жорий этиш, депутатлар ўзлари сайланган ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни атрофлича ўрганиш боришлари, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари, партия электорати билан доимий ўрашувларни ташкил қилишлари лозимлигига эътибор қаратди. Тадбирда, шунингдек, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш, партия ва депутатлик корпуси вакиллари ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш тўғрисида келишиб олинди.

Эврика ▾

## АНДИЖОНДА КИВИДАН БИРИНЧИ ҲОСИЛ ОЛИНДИ

Андижон вилоятидаги «Дониёр-Дилшод саховати» фермер ўжалиги раҳбари Ҳабибулло Сулаймонов томорқасидаги икки туپ киви дарахтидан 40 килограмм ҳосил олди.

Olam.uz сайтида хабар қилинишича, Булоқбоши туманининг Ширмонбулоқ қишлоғи ҳудудидаги боғда етиштирилган олма, ўрик, шафтоли каби ҳўл меваларни қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш билан шуғулланувчи фермер 1999 йили Кримдан фақат субтропик минтақаларда ўсувчи дарахт кўчатларини олиб келиб, уларни аввалига иссиқхонада парваришлай бошлаган эди. Кейин эса...



— Афсуски, ўзарувчан иқлимимизга мослашиши қийин бўлган кўчатларнинг иккитасигина омон қолди, — дейди фермер. — Олти йил аввал икки туپ ниҳолни томорқадаги очик ерга ўтказишга қарор қилдим. Бироқ янги жойга «кўчган» дарахтлар гулини тўкиб ташлаётган эди. Шу тарихда жанублик «мехмон»нинг ҳосилга киришидан умидимизни ўзиб, ундан манзарали ўсимлик сифатида баҳра олишга ўрганиб қолган эдик. Аммо қутилмаганда ҳар икки дарахтда хорихдан келтириладиган кивилардан қолишмайдиган мевалар етила бошлади. Нишона ҳосили уруғини яхши ният билан иссиқхонага эқдим. Насиб қилиб, бу борадаги ишларим юришиб кетса, қайта ишлаш корхоналарига Булоқбоши кивисини ҳам етказиб беришни йўлга қўяман.

**Хўрватия тадбиркор ва ишбилармонлари!**

**ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРАЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВАТЛАШ МАРКАЗИ**

нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятини турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Феолиятингизда бирор муаммо юзга келса, сира иккилашмай бизга мурожаат этинг!

Манзил: Мирзо Улғабек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19-Г ўй.  
Телефон: (8771) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

## Қарс икки кўлдан чиқади

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ О'ZLIDER ДЕПУТАТЛИК ГУРУХИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ВИЛОЯТДАГИ ИЖРОСИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,  
«XXI ASR»

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар бугун О'zLiDeP ва унинг ҳудудий кенгашлари учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Шунинг учун ҳам партиянинг жойлардаги тузилмалари мазкур ҳужжатда белгилаб берилган вазибалар асосида ўз фаолиятини жонлантиришга, депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар кун тартибига ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси билан боғлиқ долзарб масалаларни олиб чиқишга ҳаракат қилаётганлар.

Мазкур жараёнда О'zLiDePнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидаги 26 нафар, туман ва шаҳар кенгашларидаги 245 нафар депутатлари ҳам Президент Концепцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни электрлот манфаатларига, мамлакатимизда кулай бизнес-муҳитини шакллантириш масалаларига қаратмоқдалар.

Депутатлик гуруҳи мажлисида Иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Азаматов сўзга чиқиб, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан жорий йилнинг ўтган 8 ойиди қарийб 400 миллиард сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилганини таъкидлади. Ҳисоботда, шунингдек, ҳудуддаги бўш турган ва қурилиш тугалланмаган 1250 та бино ва иншоотлар кичик бизнес субъектларига ижарага берилгани, ўтган даврда вилоят тижорат банклари томонидан хусусий секторга жами 191,3 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилгани тилга олинди. Ана шундай чора-тадбирлар тўғриси ҳудуддаги мулкдорлар сони яна 2700 тага кўпайган.

Умуман олганда, бугун вилоятдаги 36865 та кичик бизнес субъекти фаолиятини янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бунда Президентимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунлар муҳим аҳамият касб этаётди.

Шу ўринда Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва саноат соҳасидаги салоҳияти юқори эканини таъкидлаш жоиз. Бунинг ҳудудда ўтган йилнинг ўзида 172 та, жорий йилнинг 8 ойида эса 94 та саноат корхонаси ишга туширилгани ҳам қўриш мумкин. Шунингдек, вилоятда мулкдорлар синфининг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Натijaда экспорт қилувчи кичик корхоналар сони 2010 йилга нисбатан 22,3 фоизга кўпайиб, улар сони 124 тага етган. Мазкур корхоналар томонидан ўтган саккиз ойда 271,8 млн. АҚШ доллари миқдориди

маҳсулот экспорт қилинган эса ҳудудда хусусий сектор нуфузининг ортиб бораётганини кўрсатади. Мутахассислар ҳисобот даврида кичик бизнес соҳасида

Бундан ташқари, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка давлат сиёсати даражасидаги эътибор қаратилаётганига қарамай, вилоят-

нинг бу борадаги масъулиятига ҳам муносабат билдирилди. Хусусан, йиғилишда вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи-ни эшитиш мўлжаллан-

руҳлари томонидан муҳокама этилаётган масалаларнинг ҳар доим ҳам вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессияси кун тартибига киритилмаётгани масалага халқ

Аммо депутатлик гуруҳлари томонидан муҳокама этилаётган масалаларнинг ҳар доим ҳам вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессияси кун тартибига киритилмаётгани мазкур масалага халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши томонидан етарлича эътибор қаратилмаётганини кўрсатади. Тўғри, айна пайтда маҳаллий кенгаш депутатларининг ўз ваколатларидан етарли даражада фойдаланмаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бироқ депутатлар кенгаш раиси саналган айрим ҳокимларнинг ўз ҳудудидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқликлари бунда асосий роль ўйнаётганини таъкидламоқдалар.

32717 та янги иш ўрни яратилганини ҳам алоҳида таъкидламоқдалар.

Аммо йиғилишда амалга оширилаётган ана шундай ижобий ишлар қаторида йўл қўйилаётган камчиликлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати А.Бўриевнинг таъкидлашича, ҳудуднинг иқтисодий имкониятлари юқорилигига қарамай, ҳалигача саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда кичик бизнеснинг қулуши 16,4 фоизни, чакана савдо айланмасида эса 41,5 фоизни ташкил этмоқда.

Депутат Ш.Умурзоқов эса «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасидаги вилоят режасига киритилган 20 та ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилгани натажасида 400 дан ортқ янги иш ўрни яратилмасдан қолганини таъкидлади. Бундай ҳолат Зангиота, Охангарон, Чиноз, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Юқори Чирчиқ, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларида, шунингдек, Олмалик ҳамда Бекобод шаҳарларида кузатилмоқда.

нинг айрим ҳудудларида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятини тўхтатаётган ҳолатлари ҳам учрамоқда. Хусусан, депутатлик гуруҳининг тахлиллари Зангиота, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Қибрай туманларида айрим тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўхтатишнинг оқибатида кичик бизнеснинг қулуши шитроқчилигининг фикрича, бундай ҳолатларнинг асл сабабларини ўрганиш ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг биринчи галдаги вазифасига айланиши лозим.

Кун тартибидидаги масала юзасидан сўзга чиққан О'zLiDeP Ўрта Чирчиқ туман кенгаши раиси ўринбосари К.Расулованинг фикрича, туманда «Микрокредитбанк» филиалининг йўқлиги ҳам тадбиркорлар фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир этмоқда. Ҳудуддаги тадбиркорлар кредит маблағлари олиш учун айна кунда Пискент туманидаги банк филиалига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Мажлисда, шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари-

ганига қарамай, мутасадди идора раҳбари депутатлик гуруҳи мурожаатига эътиборсиз қараб, йиғилишга ўз ўринбосарини юборган. Натijaда депутатлар ўзларининг кўплаб саволларига жавоб ололмадилар. Шу боисдан ҳам йиғилишда мазкур масалани халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясига киритишга қарор қилинди.

Шу ўринда О'zLiDeP Тошкент вилояти, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари 2010 ва жорий йилнинг ўтган даврида электротариф манфаатларига қаратилган 44 та масалани муҳокама қилганларини таъкидлаш жоиз. Уларнинг 12 таси агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, 9 таси манзилли дастурлар ижросини таъминлаш, 13 таси ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш масалаларига бағишланган. Бу О'zLiDePдан сайланган депутатларнинг Тошкент вилоятидаги вакиллари фаоллашиб бораётганини кўрсатади.

Аммо депутатлик гу-

руҳлари томонидан муҳокама этилаётган масалаларнинг ҳар доим ҳам вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессияси кун тартибига киритилмаётгани масалага халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши томонидан етарлича эътибор қаратилмаётганини кўрсатади. Тўғри, айна пайтда маҳаллий кенгаш депутатларининг ўз ваколатларидан етарли даражада фойдаланмаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бироқ депутатлар кенгаш раиси саналган айрим ҳокимларнинг ўз ҳудудидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқликлари бунда асосий роль ўйнаётганини таъкидламоқдалар. Баъзи ҳолларда ҳатто сессияга киритилган яна туман ҳокими хузурида йўл олади. Бу сафар корхона фаолиятини паррандачилик йўналишига ўзгартирмоқчи эканини айтади. Ҳокимнинг розилигини олиш бу сафар ҳам осон кечмаслигига ақли етиб, 2010 йилнинг бошларида аризасини туман ҳокимлигига почта орқали юборди.


Маҳкама мутасаддилари рўйхатдан ўтган аризани жавобсиз қолдириш қонунга хилоф эканини тушуниб, тадбиркордан фаолият турини ўзгартириш учун зарур ҳужжатларни талаб қила бошлайдилар.

Тадбиркор барча ҳужжатларни тахт қилиб, яна ҳоким қабулига киради. Таъмагирликни касб қилиб олган ҳоким жаноблари эса унинг «қалам билан қоғоз тирнаши» 2 минг АҚШ доллари туришига шаъма қилади.

Муҳаммадиброҳим ҳоким хонасидан бошини эгиб чиқиб кетади. Яхши ният билан тадбиркорликка бел боғласа-ю, бор маблағини «имзо сотиб олиш»га сарфласа... Тадбиркор ўйлаб-ўйлаб хуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишга қарор қилади...

2011 йилнинг январь ойида Булоқбоши тумани ҳокими Маъруфжон Раҳимов ўз хизмат хонасида тадбиркор Муҳаммадиброҳим Матқосимовдан корхона фаолияти йўналишини ўзгартиришга қарор чиқариб бериш эвазига 2 минг АҚШ доллари пора тариқасида олаётган пайтда мутасадди орган ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди ва суд ҳукмига қўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 210-моддасининг 3-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятнинг содир этгани учун 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Бундай ҳолатлар ҳалигача айрим ҳудудларда порохўрлик, таъмагирлик, хизмат вазифасини суистемол қилиш каби иллатлар учраётганини англатади, албатта.



## Ҳокимнинг хатоси тадбиркорга ҳам, унинг ўзига ҳам қимматга тушди

БУЛОҚБОШИЛИК МУҲАММАДИБРОХИМ МАТҚОСИМОВ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ НИЯТИДА 2003 ЙИЛДА ЎЗ МАҲАЛЛАСИ ҲУДУДИДА ФАОЛИЯТИ ТУГАТИЛГАН ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИНИНГ 1.18 ГЕКТАР ЕР МАЙДОНИГА ЭГА БИНО ВА ИНШОТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИБ ОЛАДИ

Суғорилмайдиган, тошлоқ ва балчиқ ҳудудни текислатади. Мавжуд иншоотларни қайта таъмирдан чиқаради. 2009 йилда эса балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ниятида туман ҳокимига мурожаат этади. Аммо ҳокимнинг авзоидан бу иш унчалик осон эмаслигини англаб етди.

Ўйлай-ўйлай маҳалладаш — «ҳоким бува»нинг ҳайдовчисига вазиятни тушунтиради. У «хўжайин» билан гаплашиб қўришга ваъда беради. Шундай қилиб, ҳоким ўз ҳайдовчисига орқали муддаосини билдиради: «Бунинг учун 6 минг АҚШ доллари керак!»

Муҳаммадиброҳим ҳоким билан ҳайдовчи орқали «саломалик» қилгач, тезда рухсатнома-ни қўлга киритади.

Аммо ер ҳолати яхши ўрганилмай барпо этилган ушбу корхона фойда ўрнига зарар келтира бошлайди. Шу боис орадан 3-4 ой ўтгач, тадбиркор яна туман ҳокими хузурида йўл олади. Бу сафар корхона фаолиятини паррандачилик йўналишига ўзгартирмоқчи эканини айтади. Ҳокимнинг розилигини олиш бу сафар ҳам осон кечмаслигига ақли етиб, 2010 йилнинг бошларида аризасини туман ҳокимлигига почта орқали юборди.

Маҳкама мутасаддилари рўйхатдан ўтган аризани жавобсиз қолдириш қонунга хилоф эканини тушуниб, тадбиркордан фаолият турини ўзгартириш учун зарур ҳужжатларни талаб қила бошлайдилар.

Тадбиркор барча ҳужжатларни тахт қилиб, яна ҳоким қабулига киради. Таъмагирликни касб қилиб олган ҳоким жаноблари эса унинг «қалам билан қоғоз тирнаши» 2 минг АҚШ доллари туришига шаъма қилади.

Муҳаммадиброҳим ҳоким хонасидан бошини эгиб чиқиб кетади. Яхши ният билан тадбиркорликка бел боғласа-ю, бор маблағини «имзо сотиб олиш»га сарфласа... Тадбиркор ўйлаб-ўйлаб хуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишга қарор қилади...

2011 йилнинг январь ойида Булоқбоши тумани ҳокими Маъруфжон Раҳимов ўз хизмат хонасида тадбиркор Муҳаммадиброҳим Матқосимовдан корхона фаолияти йўналишини ўзгартиришга қарор чиқариб бериш эвазига 2 минг АҚШ доллари пора тариқасида олаётган пайтда мутасадди орган ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди ва суд ҳукмига қўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 210-моддасининг 3-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятнинг содир этгани учун 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Бундай ҳолатлар ҳалигача айрим ҳудудларда порохўрлик, таъмагирлик, хизмат вазифасини суистемол қилиш каби иллатлар учраётганини англатади, албатта.

Янгийўл туман ҳокимлиги хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Жасурбек Хошимов ва мазкур инспекция мутахассиси Саидмурод Аббосов ҳам «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган чора-тадбирлар-

дан хабардор эдилар. Аммо...

Нилуфар Исроилова кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани, ушбу соҳа ривож учун янада кенг йўл очилаётгани, аиниқса, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг янада тақмиллаштирилгани ва бунга расман сарфланмаган ҳаражатларнинг камайгани ҳақида танишларидан кўп эшитган эди. У бундай ўзгаришлардан руҳланиб, ўз бизнесини очишга қарор қилди. Шу мақсадда Янгийўл туман ҳокимлиги хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясига йўл олди.

Бу ерда инспекция раҳбари вазифасини бажарувчи Ж.Хошимов ва мутахассис С.Аббосовга учрашиб, қурилиш материалларига талаб-эҳтиёж риоралари боис шундай ашёлар ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этмоқчи эканини айтади.

Шундан кейин тадбиркор кераклиқ ҳужжатларни, жумладан, корхонанинг нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари, муҳр ва штамп, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи тўланганлиги ҳақида қвтанцияни инспекцияга тақдим этади.

Ж.Хошимов ҳужжатларни кўздан кечиргач, С.Аббосовни чақириб унга Нилуфар Исроилова билан алоҳида «гаплашиб олишни» тайинлайди...

Охиқ-оқибат Ж.Хошимов фуқаро Нилуфар Исмоиловдан тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш эвазига 500 минг сўм пулни пора тариқасида С.Аббосов орқали олаётган вақтда Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисми, 209-моддаси 1-қисми ва 210-моддаси 2-қисми «в,г» бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига қўра, Жасурбек Хошимов 6 йил, Саидмурод Аббосов эса 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув, иссиқлик таъминоти каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, қўлайлик Жиноят кодекси 210-моддасининг 3-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятнинг содир этгани учун 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Бундай ҳолатлар ҳалигача айрим ҳудудларда порохўрлик, таъмагирлик, хизмат вазифасини суистемол қилиш каби иллатлар учраётганини англатади, албатта.

Янгийўл туман ҳокимлиги хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Жасурбек Хошимов ва мазкур инспекция мутахассиси Саидмурод Аббосов ҳам «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган чора-тадбирлар-

Бош прокуратура матбуот хизмати

туризм фестивали ▼

## Сайёҳлик харитаси ўзгармоқда

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУДУДИДАГИ «ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ»ДА БУТунжаҳон Сайёҳлик Кўни муносабати билан БИРИНЧИ ТУРИЗМ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўз муҳбиримиз

«Туризм маданиятларни бирлаштиради» шиори остида ўтган мазкур тадбирда «Ўзбектуризм» миллий компанияси мутасаддилари, сайёҳлик ташкилотлари вакиллари, хориқлик меҳмонлар, ОАВ ходимлари ва талабалар иштирок этдилар.

Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида жойлашган бетакрор осори-атикаларнинг кичрайтирилган моделлари муржасам бўлган маданий-тарихий мажмуа ҳудудида ўтган фестивалда талабалар саҳна кўринишлари, тақдимот ва кўргазмалар ёрдамида мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини намоён этдилар.

— Мустақиллик йиллари юртимизда туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш

мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди, — деди «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Рустам Мирзаев. — Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг кўплаб тарихий қадимжоларида таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилгани, 5 та олий ва 7 та ўрта-маҳсус таълим муассасаларида соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган йўналишлар ташкил этилгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Бугун мамлакатимизда сайёҳлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сони салкам 800 тани ташкил этмоқда. Уларнинг 300 га яқини меҳмонхона хизмати, 450 таси эса туризм йўналишларини ташкил этиш, яъни туроператорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.



шундаки, тадбирда сўзга чиққан туристик фирма-лар вакиллари тарихий обидалар ва замонавий меҳмонхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида жойлашган бўлса-да, кейинги йилларда сайёҳ-

ларнинг Сурхон ва Қашқар воҳаларидаги, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийсидаги ноанъанавий туристик объектларга бўлган қизиқишлари ортиб бораётганига алоҳида эътибор қаратдилар.

# БАНК ТИЗИМИ

## Мижоз банк учун эмас, банк миждоз учун



40 (412)-СОН

2011 йил 6 октябрь,  
пайшанбаe-mail:  
axborotXlasr@yahoo.com

## Юрт фаровонлиги йўлида




МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ОРАСИДА «ХАМКОРБАНК»НИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР. ХУСУСАН, УНИНГ ҚАРШИ ФИЛИАЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЛАНИШЛАР АЛОҲИДА ЭЪТИБОРНИ ТОРТАДИ

Бугунги кунда филиал ўз атрофига мингдан зиёд миждозларни бирлаштирган бўлиб, жойлардаги 11 та минибанки орқали уларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Утган қисқа давр орасида фаолият доираси икки хиссага кенгайди. Айниқса, банк тасарруфидоги минибанкларда аҳоли талаб-эҳтиёжларига нисбатан ҳозиржавоблик билан ёндашилмоқда.

Бу, албатта, очик акциядорлик-тижорат «Хамкорбанк»нинг Қарши филиали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ислохотларни жадаллаштириш, қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида самарали иш олиб бораётганидан далолатдир. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида банк томонидан 7417,6 млн. сўм кредит ажратилди. Эътиборлиси, эҳтиёжмандларнинг ҳеч бири банкнинг моддий кўмагидан бебахра қолаётган йўқ. Жумладан, 1 сентябрь ҳолатига 138 нафар миждозга 420,6 млн. сўм миждоридида истеъмол кредити берилган. Бу хайрли иш бошқичма-бошқич давом эттирилмоқда.

Хозирги кунда банклар ўртасида шаклланган соғлом рақобат муҳити уларни инновацион жараёнларни фаоллаштиришга, миждозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини оширишга ундаётди. Қолаверса, бозор шароити шуни тақозо этмоқда. Қарши филиали жамоаси ҳам давр талабларидан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу борада молия муассасалари учун яратилган ҳаётий имкониятлар жуда қўл келаяти. Мансадан, Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан



кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга жиддий маъсулият билан ёндашилмоқда. Бу эса нафақат ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish, балки кўплаб янги иш жойларни очish, аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қилаётти. Мансадан, «Нишон табиат инъомлари» шўба корхонасига балиқчиликни ривожлантириш учун 150 млн. сўм кредит сармоси ажратилган

эди. Шу ҳисобдан анчагина тирик балиқ харид қилинди. Айни кунда улар Нишон туманидаги Юлдуз қўرғонини ҳудудидаги кўлда парвариланмоқда. Етиштирилган маҳсулот эса аҳолига арзон нархларда сотилаётти. Энг асосийси, банк маблағи эвазига 30 киши иш билан банд этилди.

Филиал жамоаси айни кунда халқ хўжалиги тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга юридик шахсларга лизинг амалиётлари бўйича ҳам хизмат

кўрсатаётти. Ушбу фаолият тури енгил саноат, қурилиш техникаси, ёғочни қайта ишлаш, автотранспорт хизмати каби ўнлаб соҳаларни ўз ичига қамраб олган.

Вилоятдаги «Газ-Оил-Инжинеринг» маъсулияти чекланган жамияти банкнинг доимий миждозларидан биридир. Корхона жамоаси асосан йўл қурилиши билан шуғулланади. Изланиш, ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Банк томонидан ажратилган 330 млн. сўм миждоридидаги кредит эвазига Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган «ДОКСАН» экскаватори харид қилинди. Натижада меҳнат унумдорлиги икки хиссага ошди. Банк фаолиятинан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қашқадарёда хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш, уларнинг куч ва имкониятларидан мақсадли фойдаланиш ҳақида диққат марказидадир. Ушбу жараёнда банк жамоасининг ҳам хиссаси оз эмас. Йил бошидан бери 21 нафар тадбиркор аёлга 451,4 млн. сўмдан ортиқ қисқа ва узоқ муддатли кредит ажратилди. Умуман, ана шу давр орасида банкнинг ўз маблағлари ва хорижий кредит сармосиялари ҳисобидан 140 нафар миждозга кредит берилган. Натижада ҳудудларда 85 та янги иш жойлари яратилди.

Истиклолга тенгдош — «Хамкорбанк»нинг Қарши филиали тараққиёт сари шахдам одим ташламоқда. Келажакда янада катта режалар кўзда тутилган. Асосий мақсад эса битта: у ҳам бўлса, хизматлар тури ва кўламини кенгайтириш, иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб хисса кўшидир.

## Мижозлар ишончи — тараққиёт гарови



МАЪЛУМКИ, ИСТИКЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАНОК ЮРТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР РАҚОБАТДОШЛИгини ОШИРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА. БУ БОРАДА, ШУБҲАСИЗ, БАНК МУАССАСАЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. ЗЕРО ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИгини ТАЪМИНЛАШ КўП ЖИХАТДАН ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ Тўғри йўлга қўйишга БОғЛИҚДИР

Молия бозорида ўз ўрнига эга бўлган «Туронбанк» ҳам миждозларнинг яқин молиявий кўмакчиси айланган, десак, асло хато қилмаймиз. Айни кунда вилоятларда унинг 15 та филиали мавжуд бўлиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 139 млрд. 311 млн. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилган. Бу эса жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш, мавжудларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этаётти. Хар бир молия муассасасининг иқтисодий барқарорлиги миждозлар сони ва уларга кўрсатилаётган хизматлар салмоси билан белгиланиши ўз-ўзидан маълум. «Туронбанк» жамоаси буни яхши англайди. Шу боис миждоз-

ларнинг асосли муружаатларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлинмоқда.

Мана, бир мисол. Бухоро вилоятидаги «Бухоро тонг» хусусий корхонаси кредит сўраб, банкка муружаат қилди. Такдир этилган режа мақбул топилди ва талаб ўз вақтида қондирилди. Айни пайтда корхонада бир неча хил қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бундай миждозлар сони оз эмас. Жумладан, «Нозир интер сервис люкс» хусусий корхонаси банкнинг 300 млн. сўм миждоридидаги кредитдан фойдаланиб, керамик плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Хозирда юқори технологиялар асосида тайёрланаётган арзон ва сифатли плиталарга талаб ошиб бормоқда. Улар ички бозорда жуда хариддордир.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривож-

лантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу бежиз эмас, албатта. Қишлоқ мулкдорлари ўтган йиллар мобайнида ердан оқилана фойдаланиш, маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш борасида катта тажриба тўплаб, ўзларининг нималарга қодирликларини амалда намойён этдилар. Сирасини айтганда, фермерлик жойларда ҳал қилувчи кучга айланди. Ер соҳибдорларининг бундай катта ютуқларида молия муассасаларининг ҳам муносиб улуши бор, албатта. Жумладан, биз сўз юритаётган «Туронбанк»нинг Қашқадарё филиали пластан ажратилган маблағлар эвазига 7 та фермер хўжалиги замонавий комбайнлар сотиб олишга эришди. Натижада ушбу хўжалиқларда дон ўриш мавсуми муваффақиятли якунланиб, ҳосил ўз вақтида нест-нобудсиз йиғишти-

риб олинди. Миришкор туманидаги «Сичонгул мўжизаси» кичик корхонаси ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлиги туфайли ва ерда паррандачилик, чорвачилик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал ривожлантиришга эришилмоқда.

Кейинги йилларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида қўлай тўлов воситаси ҳисобланган пластик картчалар аҳоли ўртасида тобора оммаланиб бормоқда. «Туронбанк» ҳам бу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Айни кунда банкнинг биргина Қашқадарё филиали пластик картчаларидан 20 мингдан зиёд киши фойдаланмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган 130 дан ортиқ терминаллар бу борада жуда қўл келаяпти.

Тўловларни масофадан

туриб электрон тарзда амалга ошириш имконини берувчи «SMS Banking», «Internet Banking» хизматлари миждозларга жуда маъқул бўлмоқда. Чунки улар хар жиҳатдан қўлай ва арзон. Шу билан бирга банкда халқаро пул ўтказмалари, хусусан, «Золотая Корона» ва «Money Gram» хизматларининг йўлга қўйилганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Қисқа килиб айтганда, очик акциядорлик-тижорат «Туронбанк» жамоаси иқтисодий тараққиётнинг биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, янги банк технологияларини жорий этиш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда фаол қатнашиб, тобора яхши натижаларга эришмоқда. Бу эса унинг тараққиёт сари ишончи қадамлар ташлаётганидан далолат беради.

## Тезкор ва қўлай хизмат



БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ЗИММАСИГА АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАТИЛГАН. УЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ ТУФАЙЛИ БАРЧА СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОХОТЛАР КУТИЛГАН САМАРАЛАРНИ БЕРМОҚДА



Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда юксак натижаларга эришилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Узоққа бормайлик. Очик акциядорлик-тижорат «Капиталбанк» мамлакатимиз молия бозорида қарийб ўн йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Ушбу банк ўзининг 12 та филиали ва 53 та минибанкига эга бўлиб, миждозларга тезкор ва замонавий хизматлар кўрсатишда ўрнатилган бўлаётти.

Таъкидлаш жоизки, истиклол йилларида тадбиркорлик ҳаракати кенг қўллаб-қувватланиб, кичик бизнес вакиллари учун турли имтиёз ва энгилликлар берилгани айни муддао бўлди. Бу эса ички бозорни иқтисодийнинг ўзгарувчан

талабларига мос маҳсулотлар билан тўлдирish, қўшимча иш жойлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётти. Чунки молиявий таъминот масаласида узилишга йўл қўйилаётгани йўқ. Дейлик, жорий йил сентябрь ҳолатига «Капиталбанк»нинг умумий кредит қўйилмалари ҳажми 165,8 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан узоқ муддатли кредит (лизинг хизматлари билан бирга) 126,1 млрд. сўм, қисқа муддатли кредитлар эса 39,7 млрд. сўмга тўғри келмоқда. Ушбу маблағларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини унун йўналтирилганлиги ҳам эътиборга моликдир. Жорий йилнинг январь-август ойлари давомида банк томонидан хусусий секторга 65,7 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шундан 12,8 млрд. сўм савдо-сотик ва товар айланмаси учун йўналтирилган. Кредит маблағларининг қолган қисми эса саноат, қурилиш ва бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Ажратилган сармосиялар ҳисобидан 742 та янги иш ўрни яратилди. Энг муҳими, кўплаб тадбиркорлар банкнинг молиявий ёрдамидан фойдаланиб, бизнес соҳасида юқори натижаларга эришмоқдалар. Бу борадаги ҳамкорлик изчил давом эттириляпти.

«Банк — миждоз учун» тамойили жамоаниннг эзгу шioriга айланган. Хусусан, Президентимизнинг «Тижорат банкларидида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда картчаларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидидаги омонатларини ҳимоялаш картчаларини таъминлашга оид қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида»ги фармонларида ўртада қўйилган талаблардан келиб чиқиб, зарур чоралар кўриляпти. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари омонатларга самарали жалб этилмоқда. Жорий йил сентябрь ҳолатига жисмоний шахсларнинг банкдаги омонатлари 125 млрд. сўмни ташкил қилганлиги фикримиз исботидир. Зеро, пул доимо ҳаракатда бўлгандагина ўз қадрини йўқотмайди, мамлакат иқтисодийини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим инвестиция манбаи бўлиб хизмат қилади.

«Капиталбанк» эришаётган ютуқлар халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этиляпти. Гап шундаки, нуфузли «Standart and Poor's» компанияси томонидан молиявий ҳолати, яъни ўз молиявий мажбуриятларини вақтида бажара олиш қобилиятига эга бўлганлиги туфайли банкка «барқарор» рейтинг баҳоси берилди. Бу эса аҳил жамоани янги изланишларга ундамоқда.

Пул ўтказиш амалиёти банк фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Жумладан, «Western Union», «Contact», «Migom», «Money Gram», «Быстрая почта», «Unistream», «Золотая Корона» каби халқаро пул ўтказиш тизимлари орқали барча молиявий операциялар тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда миждозларга энг сўнгги русумдаги «Intrenet Банк-Мижоз» ва «Инфо-Сервис» хизматлари ҳам кўрсатиляпти. Улар хар жиҳатдан қўлай ва самаралидир.

Айни кунда пластик картчалар аҳоли орасида тобора оммаланиб бораётганлиги ўз-ўзидан маълум. Зеро, бозор шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини жорий этилиши иқтисодий тараққиётда муҳим аҳамият касб этади. Хозирда 84 минг киши «Капиталбанк»нинг пластик картчаларидан фойдаланмоқда. Уларга савдо шохобчалари ва жамғарма кассаларида ўрнатилган 1214 дан зиёд терминал ҳамда банкоматлар орқали хизмат кўрсатиляпти. Утган йили пластик картчалар орқали 113,6 млн. сўмлик трансакциялар амалга оширилган. Жорий йилда ушбу кўрсаткичи янада қўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, банк жамоаси мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилаётти. Миждозлар сафи кенгайиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Ишончи ҳамкорлик йўлга қўйилган жойда эса янгидан-янги муваффақиятларга эришилверлади.

Саҳифани Н.ТОШЕВ, Ш.НАЗАРОВ ва А.МУЗАФФАРОВ тайёрлади



## Тинчлик неъматиди

БУГУН ДУНЁДА 1,3 МИЛЛИАРД КИШИ ЎТА ҚАШШОҚ ХОЛДА КУН КЕЧИРАЁТГАНИНИ ИНОБАТГА ОЛСАК, БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 2000 ЙИЛГИ СЕССИЯСИДА КАБУЛ ҚИЛИНГАН ЯНГИ МИНГЙИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИДА НЕЧОҒЛИ МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ КАМРАБ ОЛГАНИГА ИШОНЧ ХОСИЛ ҚИЛАМИЗ

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

XXI асрда ҳам қашшоқлик ва очарчилик, турли юкумли касалликларнинг кўпайиши ва ижтимоий адолатсизлик каби долзарб муаммолар ечими бевосита молиявий масалалар билан боғлиқ бўлиб қолаётгани дунё давлатларини мураккаб ахлоқга солиб қўймоқда. Зеро, бола ҳуқуқларини таъминлаш ҳам глобал муаммолардан бўлиб, уни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар жажамиятининг доимий диққат-эътиборида турибди. Чунки ёш авлод жамият тараққиёти ва истиқболини таъминловчи асосий кучдир.

Мутафаккирларнинг фикрича, тинчлик — цивилизация неъматиди бўлса, уруш унинг офатидир. Айниқса, глобал микросоцида иқтисодий ва молиявий инқироз давом этаётган ҳозирги мураккаб кунларда дунё халқлари учун тинчликни сақлаб қолиш, одамларнинг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ эканини тобора чуқурроқ англаб етмоқда. Зеро, тинчлик деб аталмиш улугъ неъмат бўлмас экан, тараққиёт ҳам, ўсиш ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди. Шунинг учун урушларсиз ва қуролсиз дунёда яшаш инсониятнинг азалий ордуси бўлиб келган.

Маълумки, XX асрнинг сўнгги саммити ҳисобланган БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилги сессиясида қабул қилинган янги мингйиллик Декларациясида инсоният олдида турган 8 та энг асосий муаммони ҳал этиш вазифаси белгилаб олинган, қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш, фуқароларнинг бошланғич таълим олишларини таъминлаш, эркак ва аёллар тенглигига эришиш, болалар ўлимини камайтириш, оналар соғлигини яхшилаш, ортирилган иммун танқислиги вируси, безгак сингари оғир хасталикларга қарши кураш, экологик барқарорлик

ни таъминлаш, тараққиётга эришиш мақсадида глобал ҳамкорликни кучайтириш дунёнинг 185 мамлакатлари раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатда ўз аксини толган эди. Аммо ўтган йиллар мобайнида

тани, ривожланаётган мамлакатларда эса мактабга жалб этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқиш имкониятидан маҳрум бўлаётганини ҳисобга олсак, бу XXI асрнинг энг муам-

гача 150 дан ортиқ маҳаллий ва этник низо-лар, кенг миқёсдаги можаролар юз берди. Бу жангу жадалларга 8-9 ёшли болалар ҳам жалб этилмоқда. Умумий маълумотларга қараганда, кейинги 10 йил мобай-

Албатта, дунёнинг сиёсий қиёфасини белгилашда, жаҳоннинг тинч ёки нотинч бўлишида муҳим стратегик минтақалардан бири — умумий ҳудуди 4 млн. кв.км.га тенг, аҳолисининг сони 70 млн. нафардан ортиқ Марказий Осиё ҳам алоҳида ўрин тутди. Минтақада афгон можаросини бартараф этиш, фаровонликка эришиш, халқаро терроризм ва наркотиклар савдосига чек қўйиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ёш авлод таълим-тарбияси учун қулай шароит яратиш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Ушбу ҳудуднинг юраги ҳисобланган, аҳолисининг 60 фоизини 25 ёшга етмаганлар ташкил этаётган Ўзбекистонда таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Мамлакатимиз таълим тизимида ўқиш ва ўқитиш билан боғлиқ муаммолар йўқ. Аксинча, ота-оналар кўпроқ фарзандларини нуфузли таълим даргоҳларига бериш йўли билан банд. Ёдингизда бўлса, бир неча йил муқаддам ЮНЕСКО экспертлари Ўзбекистоннинг таълим тизимини МДҲда энг яхши тизим, деб эътироф этишганди. Бошқа экспертлар ҳам ўзбекча умумтаълим модели фақат бу мамлакат учунгина муҳим бўлиб қолмай, экспорт қилинадиган технология ҳам эканлигини, бу технологиядан дунёнинг бошқа мамлакатлари ҳам муваффақиятли фойдаланишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтишганди. Хуллас, фақат билимиз, маърифатли жамиятга демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олиши ҳаётий тажриба исботлади.

Тинчлик ўзбек халқи учун ҳамияти энг олий неъмат ҳисоблаб келинган. Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, Ўзбекистон халқи ҳаётийимизнинг энг муҳим тамойилларига оғишмай амал қилиб келди ва бу йўлда бундан бундан ҳам қатъий туради. Бу йўл — тинчлик ва барқарорлик, барча мамлакатлар, халқлар билан амалий дўстона ҳамкорлик йўлидир.

Тинчлик ўзбек халқи учун ҳамияти энг олий неъмат ҳисоблаб келинган. Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, Ўзбекистон халқи ҳаётийимизнинг энг муҳим тамойилларига оғишмай амал қилиб келди ва бу йўлда бундан бундан ҳам қатъий туради. Бу йўл — тинчлик ва барқарорлик, барча мамлакатлар, халқлар билан амалий дўстона ҳамкорлик йўлидир.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, охириги ўн йилда юз берган ҳарбий тўқнашувларда камида 2 млн. нафар вояга етмаганлар қурбон бўлган. 10 млн.дан ортиқ бола эса майиб-мажруҳ бўлгани етмаганидек, ота-оналари ва бошпаналаридан жудо бўлган. Миллионлаб болакайлар тўйиб овқат емаслик, очарчилик ва турли хасталиклар туфайли ҳаётдан кўз юммоқдалар.

қатор давлатлар ана шу масалаларни ҳал этиш имконига эга бўлмадилар. Бунга глобал микросоцида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳам сабаб бўлди, дейиш мумкин. Таҳлилчиларнинг қайд этишларича, 2011-2012 йилларда ҳам инқироз давом этиб, ишсизлик даражасининг ўсиши кутилмоқда. Бугун дунёда 1,3 миллиард киши ўта қашшоқ ҳолда кун кечириётганини инобатга олсак, БМТнинг 15 йилга мўлжалланган дастури нечоғли муҳим масалаларни қамраб олганига ишонч ҳосил қиламиз. Табиийки, бундай ҳолат кўпроқ ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами, яъни ногиронлар, аёллар, болалар ва қариюларга таъсир этади. Қашшоқлик, очарчилик ва турли юкумли касалликларнинг ортиб бориши, тенгсизлик, ижтимоий адолатсизлик ва зўравонлик каби муаммоларнинг ечими эса бевосита молиявий масалалар билан боғлиқлиги дунё давлатларини ҳамон мураккаб ахлоқга солиб қўймоқда.

Шу ўринда «Мингйиллик» тараққиёт дастури Декларациясидан фуқароларнинг бошланғич таълим олишларини кафолатлаш вазифаси алоҳида ўрин эгаллаганини таъкидлаш жоиз. Ҳар йили сайёрамизда 14 миллион гўдак очлик ва турли касалликлардан нобуд бўлаёт-

гани, ривожланаётган мамлакатларда эса мактабга жалб этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқиш имкониятидан маҳрум бўлаётганини ҳисобга олсак, бу XXI асрнинг энг муам-

гани, ривожланаётган мамлакатларда эса мактабга жалб этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқишдан кетишга мажбур бўлмоқдалар.

воқеалар, далиллар, шарҳлар ▼

### «Фольксваген»нинг БРАЗИЛИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Дунёга машҳур автомобиль концерни «Фольксваген» Бразилия автосаноатини ривожлантириш учун 2016 йилга қадар ушбу мамлакатга 3,4 млрд. евро миқдорда инвестиция киритадиган бўлди. 50 йилдан бундан Германия автомобиль саноатининг ҳаракатлантирувчи кучига айланган концерннинг 4 та компанияси Бразилияда фаолият юритмоқда. Ҳар йили улар конвейерларида 3,5 мингта автомобиль ишлаб чиқариляпти. Ушбу корхоналарда жами 22 минг нафар маҳаллий аҳоли меҳнат қилади. Бразилия немис автоконцерни учун яна узок йиллар муҳим автобозор бўлиб қолса, ажаб эмас.



### ОҚСАШ ВА РЕКОРД

Сўнги маълумотларга кўра, Испанияда ишсизлар сони рекорд даража — 21 фоизга яқинлашмоқда. Статистик маълумотларда ҳам сўнги ойларида ишсизлик 2,3 фоизга ўсгани қайд этилмоқда. Бир гуруҳ мутахассислар мазкур ҳолатни мамлакатда сайёҳлик мавсуми якунлангани билан ҳам изохламоқдалар. Нима бўлганда ҳам сўнги уч йилда Испания иқтисодиётида рўй бераётган оқсашлар туфайли мамлакатдаги ишсизлар сони 4,23 миллион нафарни ташкил этмоқда.

### МЮРРЕЙ АЙБНИГА ИҚРОР ЭМАС



Поп қироли Майкл Жексон ҳаётига зомин бўлган кучли таъсир қилувчи «пропофол» дори воситасини қўллаган кардиолог Конрад Мюррей соат тақмаслигини вақт қилиб, таниқли санъаткорнинг қачон тинчлантирувчи восита қабул қилгани ва ҳушини йўқотганини айтишдан бош тортмоқда. Бу хабар «Мюррей иши»ни кўриб чиқайтган Лос-Анжелес юқори судида маълум қилинган. Эслатиб ўтамиз: шифокор Конрад Мюррей эҳтиётсизлик оқибатида Майкл Жексонни ўлдирганликда айбланмоқда.

### БЕРЛУСКОНИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАДИМИ?

Италия бош вазири Сильвио Берлускони яқин кунларда истеъфого чиқиши мумкин. Айни вақтда у ўз сафдошлари билан бу қарорни қандай ва қай тарзда эълон қилиш юзасидан маслаҳатлашмоқда. Унинг партияси маҳаллий сайловларда бир неча бор муваффақиятсизликка учрагани туфайли кейинги сайловларда партияни бошқа бир номзод бошқариши тарафдори ақолиги таъкидланаяпти. Ушбу лавозимга ҳозирча адлия вазири Анжелино Альфано асосий давога бўлиб турибди. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, жамоатчилик фикрининг ўзгаришида Берлусконининг нафақат сиёсий қарорлари, балки шахсий ҳаётидаги шов-шувли воқеалар ҳам сабаб бўлган.

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади

### ОСТЕОАРТРОЗНИНГ ДАВОСИ БОР

Бўғинлардаги оғриқдан тинчини йўқотганлар орамизда кўпчиликни ташкил этади. Ушбу хасталик кўпроқ катта ёшдагиларда учрайди. Лекин у анча эрта келиб, айни куч-қувватга тўлган ёшларни ҳам тўлақонли ҳаёт кечирishi имкониятидан маҳрум этиши ҳеч гап эмас. Бу касалликнинг келиб чиқиши ҳозирча олимлarga маълум эмас. Шунга қарамай гинетик омиллар, яъни ортиқча оғирлик, жароҳат, катта жисмоний зўриқишлар остеоартрознинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлиги фанда маълум. Остеоартрозда тоғай тўқималаридаги алмашинув жараёни ҳам аста-секин бузилади. Унинг таркибидagi хондроитинсульфат — тоғай тўқиманин асосий полисахариди камайд ва тоғайнинг ўсиш қобилиятининг камайиши, эластиклиги ва мустаҳкамлигининг йўқолишига олиб келади. Тоғай тўқимаси ҳажми қисқариб, юпқалашиб кетади ва бўғинлар ўз ҳаракатчанлигини йўқотади.



Оғриқни қолдириш ва имкон қадар тоғай тузилмасини тиклашга препаратлардан бири — Хондроксид® бўлиб, суртма, гел ва таблетка шаклида чиқарилади. Хондроксид® препаратда хондроитинсульфат — қора мол кекирдигидан ажратиб олинadigan табиий полисахарид бор. У тоғай (кемирчак) тўқимасидаги бу модда танқислигини тўлдиришга ёрдам беради, алмашинув жараёнларини тартибга солади. Мазкур препаратнинг иккинчи асосий компоненти диметилсульфоксид бўлиб, у шамоллашга қарши, оғриқни қолдирувчи таъсирга эга. Тўқимага тез ва чуқур кириб боради ҳамда бошқа компонентларга ҳам «йўл кўрсатувчи» вазифасини бажаради. Хондроксид® суртмаси ва гели кунига 2-3 маҳал оғриётган бўғин терисига сурилади ва 2-3 дақиқа давомда, яъни тўлиқ сингиб кетгунига қадар энгил уқаланади. Муолажа муддати 2-3 hafta. Хондроксид® таблеткалари эса кунига 2 марта 2 тадан ичилади. Муолажа муддати — 6 ойгача. Хондроксид® препарати қўлланилганда беморларнинг ҳаракатдаги пайти ва тинч ҳолатида оғриқлар йўқолиши кузатилади. Бўғинлардаги шиш камайд, ҳаракатлари энгиллашади. Тоғайлардаги бузилишлар олдини олади, функционал қобилиятини яхшилаб, оғриқ ва шамоллашга қарши таъсир кўрсатади. Қўллаш мумкин бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд. Шу боис фойдаланишдан аввал йўриқнома билан танишиб чиқинг ва мутахассис шифокор билан маслаҳатлашинг.

Маҳсулот сертификатланган.

Кўшимча маълумот учун «НИЖФАРМ» ОАЖ нинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонасига ёки [www.nizhpharm.ru](http://www.nizhpharm.ru) сайтга мурожаат қилинг. тел.: 140-35-81, 140-35-79

Рўйхатга олинган гувоҳнома: Б-250-95 №21803 23.06.2008, Б-250-95 №21908 29.04.2008, Б-250-95 №12803 11.12.2007.

# СЎНГГИ САҲИФА

web sayt: www.21asr.uz

кўргазма ▼

## ЎЗБЕКИСТОН МАЛИКА МАХА ЧАКРИ НИГОҲИДА

Банкокдаги «Сиам Парагон» савдо мажмуасида Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Урта Осиё юраги» номли фотокўргазма ташкил этилди. Унда таиландлик фото усталарининг 300 дан зиёд асарлари, жумладан, малика Маха Чакри Сириндхорнинг мамлакатимизга ташрифи чоғида олган суратлари намойиш этилди. Ўзбек халқининг азалий қадриятлари, анъаналари, мамлакатимизнинг тарихий-маданий бойликлари, меъморий иншоотлар, ўзига хос ва гўзал табиати акс эттирилган фото суратлар барчада катта қизиқиш уйғотди.



Ўлкамизга кириб келган олтин куз фаслининг иккинчи ойда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиши кутилмоқда. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 6-13 октябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб турсада, ёнғингарчилик бўлмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 5-10, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлади. Бужоро ва Навоий вилоятларида ҳарорат 7-8 октябрда кечаси 8-13, кундузи 18-23, 9-10 октябрда кечаси 10-15, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб турсада, ёнғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат 7-8 октябрда кечаси 8-13, кундузи 18-23, 9-10 октябрда кечаси 10-15, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари 7-8 октябрда кечаси 9-14, кундузи 20-25, 9-10 октябрда кечаси 11-16, кундузи 23-28 даражани қайд этади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгарувчан бўлиб, 7 октябрда айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. 8-10 октябрда ёнғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 8-13, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво бироз ўзгарувчан бўлиб, ҳафта сўнггида ёнғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Термометр кўрсаткичлари кечаси 10-15, кундузи 21-26 даражани қайд этади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, 7 октябрда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат 7-8 октябрда кечаси 4-9, кундузи 11-16, 9-10 октябр кунлари кечаси 6-11, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

«Лондон-2012» ▼

## ТЎРТТА ЙЎЛЛАНМА НАҚД!

Озарбойжон пойтахти — Боку шаҳрида давом этаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган чарм қўлоқ усталаримизнинг тўрт нафари чоракфиналга йўл олди. Аҳамиятли томони шундаки, мусобақа низомига мувофиқ чемпионатнинг ана шу босқичига етиб борган боксчилар келаси йил Лондонда бўлиб ўтадиган ХХХ ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этадиган спортчилар рўйхатидан ўрин оладилар. Жумладан, 4 октябрь куни ўтказилган нимчорак финал беллашувида рингга 52 кг. вазнда кўтарилган ҳамюртимиз Жасур Латипов шведиялик Саломо НТувени 10:7 ҳисобида енгиб, 1/4 финалга йўл олган бўлса, терма жамоамизнинг энг истеъдодли аъзоси, 20 яшар Фазлиддин Фойбназаров (60 кг.) германиялик Йоген Бурхардти бир очко фарқ (8:7) билан мағлуб этиб, «Лондон-2012» лицензияси соҳибига айланди. **Орзубек Шойимов (56 кг.)** ва **Элшод Расулов (81 кг.)** каби тажрибали боксчиларимиз нимчорак жангларида рақибларидан анча устун эканини намойиш этишди. **Хусусан, Орзубек молдавиялик Вячеслав Гоянни 13:8 ҳисобида таслим этган бўлса, Элшод бразилиялик Ямагучи Фалькаога ҳеч қандай имконият қолдирмади — 17:12.**



## «Насаф» Иордания сафарига тайёр

ҚАРШИНING «НАСАФ» КЛУБИ ОФК (ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ) КУБОГИ ЯРИМФИНАЛ БАҲСЛАРИНИНГ БИРИНЧИ УЧРАШУВИДА ИОРДАНИЯ ЧЕМПИОНИ — «АЛ ВИҲДАТ» ЖАМОАСИНИ 1:0 ҲИСОБИДА МАҒЛУБ ЭТДИ

Шухрат ХЎЖАЕВ, «XXI ASR»

Учрашув куни воҳада ҳукм сурган ноқулай об-ҳаво шароити (ғарбдан эsgан кучли шамол оқибатида кўтарилган чанг-тўзон ўйинни ўз вақтида бошлашга имкон бермади) туфайли қарийб ярим соатга кечиктирилган ўйиннинг дастлабки дақиқалари «Насаф» назорати остида ўтган бўлса-да, «қарши ҳужум» услубини танлаган меҳмонлар вақти-вақти билан меzbонлар дарвозаси олдида ҳавфли вазиятлар уюштириб турдилар. Биринчи бўлим ўрталарида ҳар икки жамоа вакиллари ҳисобни очиш учун яхши имкониятга эга бўлдилар. Бироқ 22-23-дақиқаларда «аждарлар»нинг черногориялик легионери Иван Бошковица фаоллик етишмаган бўлса, Илҳом Шомуродовнинг яқин масофадан йўлланган тўпи дарвоза устунига тегиб қайтди. Кўп ўтмай, қаршиликларнинг дарвозаси ишғол қилиниши мумкин эди: Боян Малишич жарима майдонида кўпол хатога йўл қўйди. Яхшиямки, иорданиялик

ҳужумчининг зарбасини Мурод Зухуров қайтаришга улгурди.

36-дақиқада бурчадан оширилган тўп меҳмонлар дарвозасидан жой олди. Аммо бу вазиятда «ўйиндан ташқари» ҳолат қайд этилганини маълум қилган гонконглик ҳакам Лутфулла Тўраевнинг голни инобатга олмади.

Шундай бўлса-да, «аждарлар» танаффусга қадар ҳисобни очишнинг уйдасидан чиқдилар. 44-дақиқада жамоадошларининг чап қанотдан жарима майдонига оширилган тўпини баланд сакраган ҳолда дарвозага йўлламоқчи бўлган И.Бошковиц ҳимоячилар томонидан туртиб йиқитилди.

Жазо тариқасида белгиланган пенальти эса Жаҳонгир Жиямуродов томонидан аниқ амалга оширилди — 1:0.

Тенг курашлар остида кечган иккинчи бўлимда «Ал Виҳдат» футболчилари ҳисобни тенглаштириш учун қанчалик ҳаракат қилмасин, ўз мақсадларига эриша олмадилар. Тўғрироғи, аксарият ҳолларда бунга мазкур ўйинда ишончи ҳаракат қилган «Насаф» дарвозабони тўсқинлик қилди.

Учрашувдан кейин ўтказилган

матбуот анжуманида ўйиндан қониқганини маълум қилган меzbонлар бош мураббийи Анатолий Демьяненко шогирдлари финалга чиқишни истасалар, бундан ҳам, яхшироқ ўйин намойиш этишлари зарурлигини таъкидлади.

— Жавоб баҳси ҳар икки томон учун қийин кечиши аниқ, — деди украиналик мутахассис. — Шунга қарамай, ОФК кубоғи финалида ҳам зафар кучган ҳолда мамлакат футбол тарихида янги саҳифа очишга ҳаракат қиламиз. Зеро, бунгача Ўзбекистон клублари қитъа миқёсидаги мусобақаларда бош совринни кўлга кирита олмаган.

Эслатиб ўтиш жоиз: иккинчи учрашув 18 октябрь куни Иордания пойтахти Амман шаҳридаги «Қирол Абдуллоҳ» стадионида бўлиб ўтади. Айнан ана шу ўйингоҳда жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтган дастлабки плей-офф беллашувида Ғузурнинг «Шуртан» жамоасини доғда қолдирган «Ал Виҳдат» чорак финал йўлланмасини кўлга киритганиди. Умид қиламизки, қаршиликлар сафар ўйинида ҳам ижобий натижага эришадилар.

ЭЪЛОН ▼

Ташкилот оргтехника, баннер, штендер, пешлавҳа ва полиграфия маҳсулотларини тайёрлаш, отказиб бериш ва харид қилиш бўйича танлов ўтказмоқда. Мурожаат учун телефонлар: (+99871)254-04-69, (+99897)751-90-39

# Називин

дЛЯ НОСОВ И НОСИКОВ

Показания

- Лечение острых респираторных заболеваний, сопровождающихся насморком;
- аллергический ринит;
- вазомоторный ринит;
- для восстановления дренажа при воспалении придаточных пазух полости носа, евстахиите, среднем отите;
- для устранения отека перед диагностическими манипуляциями в носовых ходах.

Регистрационное удостоверение П16-242 1605432; 5-280-06 1608108  
Отпускается без рецепта врача  
Синонимы: с вазомоторным ринитом  
Имеется противопоказание.  
Перед применением проконсультируйтесь с врачом  
Мерк КГА Германия для Никомед  
Товар сертифицирован

Новый дизайн упаковки Називин

- Препарат от насморка для взрослых и детей с первых дней жизни
- Обладает продолжительностью действия до 12 часов
- Производится в Германии

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

# «XXI ASR»

ижтимоий-сиёсий газетаси

# 2012

йил учун обуна бошланди

(8-371) 215-63-80

web sayt: www.21asr.uz

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаммадсўф Тешабоев, Абдурашид Жўрабоев, Алишер Шайхов, Бахтиёр Якубов, Баҳодир Ғаниев, Зендулла Убайдуллаев, Илҳом Насриев, Муҳлиса Акрамова, Раъшан Охундов, Шухрат Нуритов, Шухрат Орипов, Эркин Тоқиев, Қитми Назаров, ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Меркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳнод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темура АБДУРАХМОНОВ, Тоқир МИРХОДИЕВ, Несир ТОШЕВ, Шухрат ОХИМЖОНОВ, БОШ МУҲАРИР: Миродил АБДУРАХМОНОВ, МАТН ТЕРУВИ: Нигора Жўраева, БЎЛИМЛАР: Котибнат — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbорот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кўчма бизнес ва хўсурий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ешлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАЪМУЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-йў, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI\_ASR@yahoo.com, XXI\_ASR@mail.ru

«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилган шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босямақонсида чоп этилди. Қорқона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-йў.

Т-Тикорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Мағбуот ва аxbорот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 2807. Тираж: 9 483

Баҳою янгилашган нархда.

Тошкентда — 2000

Навбўтичлар: О.РАҲАБОВ, А.МУЗАФФАРОВ.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2151-477X

9 772151 477009